БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 97 (328)

17 МАЙ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиийн.

Кеча Москвада, Катта Кремль Саройида саноат ходимларининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан чақирилган Бутуниттифоқ кенгаши очилди.

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИКНИ ТА'МИНЛАШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги Давлат Шартномаси кеча Венада имзоланди. Давлат Шартномасининг тексти СССР, АҚШ, Англия, Франция ва Австрия ҳукуматлари ўртасида тўла равишда келишиб олинган эди. Шундай қилиб, Австрия масаласи ҳал қилинди, буни тинчликка ва халқаро ҳамкорликка интилаётган барча халқлар мамнуният блан кутиб оладилар. Давлат Шартномаси тузилганлиги фақат Австрия халқи тарихидагина эмас, шу блан бирга, Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда ҳам муҳим воқиадир. Австрия масаласи бўйича тузилган битим Европа қит'асида тинчлик ва хавфсизлик ишини мустаҳкамлайди, халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга ёрдам беради.

Совет Иттифоқи халқаро кескинликни камайтиришга қаратилган сиёсатни изчиллик блан амалга ошираборіб, Австрия масаласини Австриянинг ўз манфаатларини ҳам, шунингдек Европадаги барча халқларнинг хавфсизлиги манфаатларини ҳам кўзлаб ҳал қилиш учун ҳормай-толмай курашди. Совет ҳукуматининг ташаббуси блан бундан бир ой муқаддам Москвада Австрия ва Совет ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Ма'лумки, шу музокаралар давомида Австрия Давлат Шартномасини тузиш йўлидаги тайёргарлик тугалланди ва шу Шартнома блан боғлиқ бўлган энг муҳим проблемаларнинг ҳаммасини муваффақиятли ҳал қилиш та'минланди.

Австрия масаласи бўйича ҳозирги вақтда тузилган битим ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга эга, чунки бу битим Австриянинг келгусида мустақил демократик давлат бўлиб ривожланиш йўлини белгилаб беради. Муттасил бетарафлик йўлини тутаётган, ҳеч қандай ҳарбий иттифоқларга қўшилмайдиган ва ўз территориясида ҳарбий базалар қурилишига йўл қўймайдиган Австрия республикасининг янги, мустаҳкам халқаро мавқи'и белгилаб берилди.

Австрия халқи бетарафлик сиёсатини тинчлик ва Ватан хавфсизлигининг энг муҳим шарти деб билади. Австрия халқи ўзининг қаётий манфаатларига тўла равишда мос келадиган бундай сиёсатни қизғин равишда ма'қуллаши табиийдир.

СССР, АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари Австриянинг бетарафлигини ҳурматлашга ўзларининг тайёр эканликларини билдирадилар. Бошқа давлатлар ҳам шу йўлдан борадилар, деб умид қилиш мумкин. Бугун э'лон қилинаётган Меморандумда Австрия ва Совет ҳукумат делегациялари ўртасида Москвада келишиб олинган қарор баён қилинган. Шу қарорга кўра, Австрия ҳукумати Швецария тутаётган доимо бетарафлик тарзидаги бетарафлик йўлини ҳамавақт амалга ошириш ҳақида Австрия зиммасига халқаро мажбурият юклайдиган шаклда Декларация э'лон қилади.

Европанинг Швейцария сингари мамлакати бутун бир тарихий давр давомида гинч ривожланиш самараларидан баҳраманд бўлиб қелмоқда, чунки у ҳеҳқандай ҳарбий блокларга кирмайди ва бетарафликка риоя қилади. Эндиликда Австрия республикаси халқи учун ҳам янги йўл очилмоқда: Австрия мустақил сиёсат ўтказаётган, ҳеҳқандай блокларда қатнашмайдиган ва ўз территориясида ҳарбий базалар қурилишига йўл қўймайдиган бетараф давлат бўлиб қолмоқда.

Совет халқи Австриянинг мана шу янги халқаро статутини—ҳалол бетарафлик позициясини қизғин равишда табриклайди. Ҳеч шубҳасиз, Австрия Республикасининг бундай позицияси Европадаги бошқа халқлар томонидан, шунингдек Европа қит'асидан бошқа жойлардаги халқлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланади.

Четэл матбуотида баён қилинган дастлабки фикрлар, ҳозир Ғарб мамлакатларидаги бирқанча газеталарнинг ҳозирги халқаро вазиятда бетарафлик принципи, агрессив ҳарбий блокларда ва коалицияларда қатнашмаслик принципи қандай аҳамиятга эга бўлиб бораётганлиги масаласини кўтараётганликларини кўрсатади. Бу проблема ҳозирги сиёсий ҳаётнинг кун тартибига қўйилди—Ғарб матбуотида ёзилаётган кўпгина шарҳлардан чиқадиган умумий хулоса мана шу.

Давлат Шартномаси имзоланганлиги натижасида Австрия ҳукумати ўзининг сиёсий мустақиллигини тиклабгина қолмасдан, шу блан бирга, тўла равишда иқтисодий мустақиллик ҳам олади. Давлат Шартномаси эндиликда Австрия давлатининг мулкига ўтадиган илгариги герман мулки тўғрисидаги масалани ҳал қилучи қоидаларни ўз ичига олган. Бу эса, Австриянинг иқтисодий мустақиллигини қўриқлайди ва мамлакат миллий экономикасини ривожлантириш учун шароит вужудга келтиради. Совет Иттифоқи томонидан Австрияга топширилаётган илгариги герман мулкига ва нефть конлари бўлган ерларга, шунингдек нефть маҳсулотлари ишлайдиган заводларга эга бўлиш ҳуқуқини четэл капиталига бермаслик мажбуриятини Австрияга юклайдиган модда Давлат Шартномасига киритилди. Бундан ташқари, Австриянинг ғарбий зоналарида жойлашган илгариги герман корхоналарини немис капитали қўлига топширишга йўл қўймайдиган қоида ҳам қабул қилинди. Илгариги герман мулки проблемасининг бу хилда ҳал этилганлиги шунинг учун ҳам катта аҳамиятга эга бўладики, бу масала тўрт давлат ва Австриянинг ўзи тўла равишда рози бўлганлари ҳолда ҳал қилинди.

Давлат Шартномасида, Австрия бошқа мамлакатлар блан савдо-сотиқда камситиш йўлини тутмайди, деб қойданинг, ҳеҳшубҳасиз, Австрия Республикасининг ҳамма мамлакатлар блан иқтисодий муносабатларини янада ривожлантириш учун катта аҳамияти бор.

Умуман Давлат Шартномаси мустақил Австриянинг демократик ривожланиши учун, унинг миллий экономикасини ва маданиятини юксалтириш учун зарур бўлган ҳамма заминларни вужудга келтиради. Давлат Шартномасининг имзоланиши Совет Иттифоқи блан Австрия ўртасидаги дўстона муносабатларни ҳар иккала давлат халқлари фойдасига, Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида мустаҳкамлаши ҳам лозим.

Австрия масаласининг ҳал қилинганлиги халқаро кескинликни юмшатиш манфаатларини кўзлаб янгидан-янги тадбирлар кўраётган Совет Иттифоқи тинчликсевар сиёсатининг муваффақиятидир. Совет ҳукуматининг қурол-яроғларни ёппасига камайтириш, атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳамда ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос келадиган халқаро контроль ўрнатишга қаратилган янги таклифлари, я'ни ҳозирги вақтда халқаро миқ'ёсда кенг деиралар муҳокама қилаётган таклифлар тинчликни мустаҳкамлаш учун СССР нинг изчиллик блан курашаётганлигини кўрсатучи ёрқин далидир. Буни Германия масаласини гинч ва демократик асосда ҳал қилиш йўлини топиш учун—герман халқининг герман милитаризмини тикламасдан Германиянинг бирлигини тиклаш йўлидаги қонуний интилишларига мос келадиган йўлларни топиш учун Совет Иттифоқининг сабот блан интилаётганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Яна шу нарса ҳам ма'лумки, АҚШ Англия, Франция ва Совет Иттифоқи ўртасида ҳукумат бошлиқларининг кенгашини ўтказиш тўғрисида ҳозирги вақтда музокаралар олиб борилмоқда. Бу кенгаш халқларнинг халқаро кескинликни камайтириш йўлидаги интилишларига мос бўлиб тушадиган қадамларни ва конкрет тадбирларни рағбатлантириш мақсадини ўз олдига қўядиган кенгаш бўлади.

Халқаро муносабатлардаги кескинликни камайтиришга қаратилган ҳарбир қадам барча халқларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади. Австрия Давлат Шартномасининг тузилганлиги ҳам ана шундай қадамдир. Совет жамоатчилиги Австрия масаласининг ҳал этилганлигини ва мустақил ҳамда демократик Австриянч тиклаш тўғрисида Давлат Шартномаси тузилганлигини қизғин равишда табриклайди, бу Шартнома Европада тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

(«ПРАВДА» газетасининг 16 майдаги бошмақоласи).

Мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисида Венада Австрия блан Давлат шартномаси имзоланди

ВЕНА, 15 май. (ТАСС махсус мухбири). Ўрта Европа вақти блан бугун соат 11-30 минутда Бельведер саройининг Мармар залида Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция ва Австрия вакиллари Австриянинг мустақил ва демократик давлат бўлиб тиклашини кўзда тутучи Давлат шартномасини Австрия блан имзоладилар.

Шартномани Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан: Ташқи Ишлар министри В. М. Молотов ва СССРнинг Австриядаги элчиси И. И. Ильичев; Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма Королиги номидан—ташқи ишлар министри Г. Макмиллан ва Англиянинг Австриядаги элчиси Д. Уолингер; Америка Қўшма Штатлари номидан давлат секретари Ж. Даллес ва АҚШнинг Австриядаги элчиси Л. Томпсон; Франция республикаси номидан—ташқи ишлар министри А. Пинэ ва Франциянинг Австриядаги ишлар вакили Р. Лалуэтт; Австрия Республикаси номидан — ташқи ишлар министри Л. Фигль имзоладилар.

Шартномани имзолаш вақтида Австрия блан тузилган Давлат шартномасини кўриб чиқиш ва имзолаш учун чақирилган кенгашда қатнашган тўрт давлат ва Австрия делегацияларининг ҳамма а'золари ҳозир бўлдилар.

Шартнома Австрия республикаси канцлери Ю. Рааб ва Австрия ҳукуматининг бошқа а'золари ҳозир бўлган ҳолда имзоланди.

Шартнома имзоланиб бўлгандан кейин СССР Ташқи Ишлар министри В. М. Молотов нутқ сўзлади.

Буюк Британия ташқи ишлар министри Г. Макмиллан, АҚШ давлат секретари Ж. Даллес, Франция ташқи ишлар министри А. Пинэ ва Австрия ташқи ишлар министри Л. Фигль ҳам қисқача нутқ сўзладилар.

Имзолаш маросими тамом бўлгач В. М. Молотов, Г. Макмиллан, Ж. Даллес, А. Пинэ, Австрия канцлери Ю. Рааб, вицеканцлер А. Шерф ва Австрия ташқи ишлар министри Л. Фигль Бельведер саройининг балконига чиқиб, сарой паркида ва унинг атрофидаги кўчаларда тўпланган Вена аҳолисини табриклидилар.

Шартномани имзолаган давлатларнинг вакиллари сарой балконига чиқишлари блан уларни Австрия пойтахтининг ўн минглаб граждалари шодиёна овоция ва табрик сўзлари блан кутиб олдилар.

САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

СССР Министрлар Советининг раиси Н. А. БУЛГАНИН нутқи

Бизнинг кенгашимиз, деди ўртоқ Н. А. Булганин, **фан, техника муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш асосида саноатни янада юксалтириш тадбирлари** масаласини муҳокама қилмоқ учун партия Марказий Комитети ва Ҳукумат томонидан чақирилди.

Халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган социалистик саноат муттасил юксалиш йўлидан бормоқда. Саноатимизнинг ривожланиш сур'атлари ва айниқса оғир индустриянинг ривожланиш сур'атлари етакчи капиталистик мамлакатлар саноатининг ривожланиш сур'атларидан бирнеча марта юқоридир.

Бу йил саноат маҳсулоти 1950 йилдагига қараганда тахминан 80 процент кўп ишлаб чиқарилади ва урушгача бўлган 1940 йилдагига қараганда уч баравардан зиёдроқ кўп ишлаб чиқарилади. Саноатимизни ривожлантиришнинг бешйиллик плани сон кўрсаткичлар жиҳатидан муваффақиятли бажарилмоқда ва бешйиллик план ошириб бажарилади деб ўйлаш учун ҳамма асослар бор.

Партия бизни эришилган муваффақиятлар блан хотиржам бўлиб қолмасдан, балки ҳал қилинмаган вазифаларга ҳамда мавжуд камчиликларни йўқотишга кўпроқ э'тибор беришга ўргатмоқда. Шуни назарда тутиш керакки, умуман ишлабчиқариш планларининг бажарилиши тўғрисидаги умумий рақамлар орқасида топшириқларни систематик равишда бажармаётган ва мамлакатга кўп миқдорда кам маҳсулот бераётган кўпгина корхоналар ишириниб турибди.

Ўртоқ Булганин айтдики, кенгаш муҳокамасига қўйилган масала давлат учун катта аҳамиятга эгадир. Техника тараққиётининг асосини ташкил қилучи фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини ишлабчиқаришга жорий қилишгина меҳнат унумдорлигини тез оширишни та'минлаши мумкин. Меҳнат унумдорлигини ошириш эса, Ленининг сўзи блан айтганда янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарсадир.

Кейинги 26 йил мобайнида бизнинг саноатимизда меҳнат унумдорлиги олти баравардан зиёдроқ ошди.

Мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантиришни та'миламоқ учун меҳнат унумдорлигини янги босқичга кўтариш зарур. Бу вазифани янги техникани ва илғор технологияни ишлабчиқаришга оғишмай ва қат'ий жорий қилиш; мавжуд машиналарни ва ускуналарни янгилаш ҳамда ишлабчиқаришни ташкил қилишни тубдан яхшилаш натижасидагина ҳал қилиш мумкин.

Янги техникани ривожлантириш ва жорий қилиш ҳамда халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ишида машинасозлар айниқса катта роль ўйнашлари керак. Машинасозлар мамлакатда техникани тараққий қилдиришга икки йўл блан та'сир ўтказмоқдалар. Биринчидан, машинасозлик заводларининг ўзида машиналар ва ускуналар тайёрлашда янги техника жорий қилинмоқда ва меҳнат унумдорлиги оширилмоқда. Иккинчидан, бутун халқ хўжалигида техникани тараққий қилдириш лозим бўлган машиналар яратилмоқда ва чиқарилмоқда. Шу икки йўлни амалга оширишда ҳам машинасозлар кейинда қолмоқдалар.

Уруш вақтида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда поток линиялари, автомат ва ярим автомат пайвандлаш, металлни тезкорлик блан қирқиш, юқори частоталик токлар блан қиздириш ва бошқалар блан қиздириш ва бошқа бирқанча шулар сингари прогрессив иш методлари машинасозликда кенг жорий қилинган бўлса, ҳозирги вақтда машинасозлик соҳасида катта янги технологик тадбирлар камдан-кам амалга оширилмоқда. Бизнинг машинасозларимиз меҳнат унумдорлигини бирнеча марта оширишга, сарф бўладиган металлни ва материални анча камайтиришга, мавжуд майдонларнинг ўзида кўпроқ маҳсулот чиқаришга имкон берадиган ва ишлабчиқилган янги прогрессив технологик процессларга эга бўлганлари ҳолда асосан илгаридан бери ўзлаштириб келинган технологик процессларни қўлланиш блан чекланмоқдалар.

Махсус ускуналар етарли миқдорда чиқарилмаётганлиги сабабли станоклар паркида иш унуми юқори бўлган станокларнинг салмоғи камайиб бораётганлигини бизнинг машинасозлигимизда нормал аҳвол деб ҳисоблаб бўлмайди. Темирчиликпресс ускуналари ишлабчиқариш жуда орқада қолмоқда, ишлабчиқаришни автоматлаштириш процесслари суст жорий қилинмоқда. Кўпгина машинасозлик заводларида мавжуд ускуналардан ёмон фойдаланилмоқда. Четэллардаги ба'зи заводлар чиқараётган машиналардан кейинда турадиган машиналарни ҳали ҳам чиқараётган заводлар бизда бор.

Сўнгра ўртоқ Булганин айтдики, мамлакатда техникани тараққий қилдириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ишида бизнинг металлургларимиз ва химикларимиз муҳим роль ўйнашлари лозим. Металлургия ва химия саноатида янги техникани жорий қилиш ишида ма'лум муваффақиятлар қўлга киргизилган бўлса ҳам, бу иккала тармоқ ишлабчиқаришнинг бирқанча соҳасида жаҳон техникаси эришган даражадан кейинда қолмоқда.

Қора металлургияда махсус пўлат ва қуйилмаларнинг сифатини, айниқса ўтга чидаш берадиган қуйилмаларнинг сифатини яхшилаш соҳасида етарли даражада иш олиб борилмаётир. Домна ва пўлат эритиш ишлабчиқаришида кислородни қўлланишга, колошниқдаги юқори газ босимига, темир рудаларни саралашга асосланган гоят унумли иш процесслари суст жорий қилинмоқда, ўтга гоят чидаш берадиган янги материалларни қўлланиш, металлургия процессларини тартибга солишни комплекс асосда автоматлаштириш суст амалга оширилмоқда.

Қора металлургия министрлиги прокатнинг гоят камчил ва кўп иқтисод берадиган профилларини ишлабчиқаришга етарли э'тибор бермаётир. Бу ҳол саноатда қийинчиликлар туғдирмоқда ва металлнинг ортиқча сарф қилинишига сабаб бўлмоқда.

Бизнинг металлургия саноатимизда фойдаланилмаётган резервлар ҳали кўп. Ўртоқ Булганин буни исбот қилиш учун бирқанча мисоллар келтиради.

Химия саноати министрлиги концентрлашган минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни, янги органик материаллар, пластик массалар, рангли металл ва буёқларнинг ўрнини босадиган материаллар ишлаб чиқаришни суст ўзлаштирмоқда, нефть газлари ва табиий газларни химик усулда қайта ишлашни ўюштиришда кейинда қолмоқда.

Ўртоқ Булганин нефть саноати тўғрисида гапириб, айрим пармалаш бригадалари гоятда тез пармалашга эришганликларини кўрсатиб ўтади. Масалан, «Татнефть» бирлашмасидаги мастер Мугалим Минязович Гимазовнинг пармалаш бригадаси 1954 йилда салкам 16 минг метр пармалади ёки ҳарбир станок ҳисобига ойида 1300 метрдан кўпроқ пармалади. Бу бригада айрим жойларда ҳарбир станок ҳисобига пармалаш тезлигини ойида 2,5 — 3 минг метрга етказди.

Лекин умуман олганда нефть саноатида пармалашни тезлатиш соҳасида, шунингдек нефть тозалаш соҳасида кейинда қолинмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, — деб сўзини давом этдирди ўртоқ Булганин, — меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари мавжуд техниканинг миқдори ва даражасигагина эмас, балки техникадан тўғри фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Масалан, кўмир саноатимиз халқ хўжалигининг энг кўп даражада механикалаштирилган тармоғи эканлиги ма'лум. Лекин шунга қарамай бу саноат меҳнат унумдорлиги юзасидан берилган топшириқларни бажармаётир. Кўмир саноатида механизациялаш комплекс асосда ўюштирилмаганлиги ва кўмир чиқариш соҳасидаги асосий процесслардагина жорий қилинганлиги ҳам кўмирчиларнинг ишларига ёмон та'сир кўрсатмоқда.

Ўрмон саноати, енгил саноатда ва саноатимизнинг бошқа тармоқларида мавжуд техникадан фойдаланиш ва янги техникани ҳамда илғор технологияни жорий қилишда жиддий камчиликлар бор.

Бундай аҳволнинг рўй бераётганлигига сабаб нима? КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети саноатдаги кўпгина ходимларнинг хотиржамлиги, кибирланиб кетишлари, топширилган иш юзасидан давлат олдида мас'улиятни сезиш гуйгуларини йўқотиб қўйганликлари, техника соҳасидаги сиёсатда перспектива ва ориентировкани йўқотиб қўйишлари натижасида илғор техникани жорий қилишда кейинда қолинмоқда, деб тўғри кўрсатдилар. Партиянинг, техника ҳамавақт олдинга қараб ҳаракат қилиши лозим, бундай қилинмаса социалистик ишлабчиқаришни ривожлантириб бўлмайди, деган йўл-йўриқларини бир қанча ходимлар унутиб қўйганлар.

Биз, фан ва техника гоят тез ривожланаётган асрда, атом энергияси асрида яшамоқдамиз. Ҳозирги вақтда ҳаёт саноатдаги раҳбар ва инженер-техник ходимлардан ҳозирги замоннинг муваффақиятларига тўғри баҳо берабилишни ва бу муваффақиятлардан фойдаланабилишни, фан ва техниканинг бундан кейинги тараққиётини олдиндан кўра билишни ҳарқачонгидан кўра кўпроқ талаб этмоқда. Аммо саноатда эскириб қолган техникани ишлаб чиқариш ва қўлланишни афзал кўраётган, янги, илғор техникани ва прогрессив технологияни ўзлаштириш ҳамда жорий қилиш блан боғлиқ бўлган ишлар тўғрисида бош қотиришни истамайдиган раҳбарлар ҳали ҳам бор. Янги техникани жорий қилиш, одатда ишлаб чиқариш процессини қайта қуриб яхши йўлга қўйишни, кадрларга та'лим беришни талаб этади. Ба'зи хўжалик ходимлари эса кўпинча қолоқ бўлса ҳам, лекин яхши ўзлаштирилган техникага таяниб иш кўрадилар.

Айрим конструкторларимиз ва илмий ходимларимизнинг машинани ихтиро' қилиш уни ишлабчиқаришга жорий қилишдан кўра енгилроқ деб айтаётганликлари бежиз эмас. Машинани ишлабчиқаришга жорий қилиш учун говни енгиб ўтадиган катта кучга эга бўлиш керак, ҳарқандай ихтиро'чи ва конструктор ҳам бундай кучга эга бўлавермайди.

Янги техникани жорий қилиш — кўп меҳнат талаб этадиган, ба'зан эса узоқ давом этадиган ишдир. Янги техникани жорий қилиш учун маблағлар, материаллар, вақт талаб этилади. Бу ишда министрликларнинг раҳбарлик роли тўла равишда рўёбга чиқиши керак.

Янги техникани жорий қилиш соҳасидаги тадбирларга пул чиқариш ва бу тадбирларни моддий-техника жиҳатидан та'минлашдаги мавжуд система мукаммал система эмас, бу системада нуқсонлар бор ва шу сабабдан уни қайтадан кўриб чиқиш зарур.

Янги техникани жорий қилган пайтда, —деди ўртоқ Булганин,—эски техникани ҳам эсдан чиқариб қўйиш ярамайди, албатта. Биз, эски асбоб-ускуна ва машиналарнинг ҳамасини бирданига четга чиқариб ташлайолмаймиз ва уларни янги асбоб-ускуна ва машиналар блан бирданига алмаштиролмаймиз. Ана шу асбоб-ускуна ва машиналардан самаралироқ фойдаланиш учун уларни модернизация қилиш керак.

Янги техникани жорий қилиш масаласини давлат нуқтаи назаридан, халқ хўжалиги учун максимал фойда олишни кўзда тутиб ҳал этиш керак. Техникани экономикадан ажратиш мумкин эмас. Янги техникани жорий қилиш учун уни иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш, расчет қилиш, иқтисодий жиҳатдан дастлабки асослар, расчётлар, дастлабки текширишларни ўтказиш талаб қилинади. Бу нарсани кўпинча эсдан чиқариб қўядилар.

Сўнгра ўртоқ Булганин айтадики, илғор техникани жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни яхши уюштириш масаласини ишлабчиқаришда банд бўлган кишилардан ажратган ҳолда қараш мумкин эмас. Бу ишда ишчилар, техниклар, инженерлар, конструкторлар, технологлар кенг қатнашгирилмаса, фан ходимлари блан ишлабчиқариш ходимлари ўртасида доимий ижодий ҳамкорлик бўлмаса, ҳеҳнарсага эришиб бўлмайди. Технолог кадрларга алоҳида э'тибор бериш керак. Уларнинг ролини ошириш ва технология фанини олга бостириш лозим.

Конструкторлик ва илмий-текшириш тақшилотларининг ишларида жиддий камчиликлар бор. Уларнинг ба'зилари ишлабчиқариш блан суст боғланганлари ҳолда, ҳозирги пайтда даври ўтиб кетган машиналарни саноатга тақдим этадилар ёки даври ўтиб кетган технологияни тавсия қиладилар. Анча вақтдан буён фойда келтирмайдиган ишларни қилаётган, қимматли ҳеҳ нарса яратмаётган илмий муассасалар ҳам оз эмас.

Социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигини ошириш ва янги техникани эгаллаш соҳасида доим катта роль ўйнаб келди, бундан буён ҳам катта роль ўйнайди. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, кейинги йилларда хўжалик ходимларимиз, шунингдек партия, касаба союз ва комсомол тақшилотларимиз социалистик мусобақага кам э'тибор қилдилар.

Ҳозирги вақтда социалистик мусобақанинг асосий вазифаси—ишлабчиқариш илғорларининг тажрибалари ва ютуқларини кенг жорий қилишдан иборат. Аммо, ишлабчиқариш новаторлари ва илғорлари лозим даражада қўллаб-қувватланмаётирлар, уларнинг иш тажрибалари етарли даражада жорий қилинмаётир ва оммалаштирилмаётир.

Ихтиро'чилик соҳасида жиддий камчиликлар бор. Ихтиро'лар ва рационализаторлик таклифларини қараб чиқиш кўпинча узоқ вақтга чўзиб юборилади. Ҳолбуки бу вақт ичида ихтиро' ва рационализаторлик таклифларининг кўпи эскириб қолади ва уларни ишлабчиқаришга жорий қилиш керак бўлмай қолади.

Ўртоқ Булганин бу кенгашда мазкур масалаларнинг ҳаммасини муҳокама қилиш, бу масалаларни асосли суратда қараб чиқиб, янги техникани жорий қилишга халқнинг бераётган камчиликларни тезликда йўқотиш чораларини белгилаш зарурлигини кўрсатиб, ишлабчиқаришни ташкил қилиш масалаларига тўхталиб ўтади ва В. И. Ленининг қуйидаги сўзларини келтиради: «Барча меҳнаткашларни соатдек аниқ ва тўғри ишловчи бир хўжалик органига боғловчи ирода бирлиги бўлмаса, на темир йўллар, на транспорт воситалари, на йирик машина ва корхоналар тўғри ишлай олмадилар» (Асарлар, 27 том, 213 бет).

Биз, деди ўртоқ Булганин, соат механизмидек аниқ ишлашга ҳали эришганимизча йўқ. Ишлабчиқаришни ташкил қилишда кўп камчиликларимиз бор. Агар умуман саноатни олиб кўрадиган бўлсак, бунда ҳозирги вақтда ишлабчиқаришни ихтисослаштириш ва уларнинг ишларини бирлаштириш масалалари айниқса кескин тус олди. Бу соҳада корхоналарнинг ишларини янада кенг миқ'ёсда бирлаштириш ва ихтисослаштирилган корхоналарни вужудга келтириш йўлида бурилиш ясашимиз учун фурсат келган.

Ишлабчиқаришни ташкил қилиш соҳасида корхоналарнинг бир ме'ёрда ишлаши ва ички резервлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида э'тибор беришимиз лозим. Саноатнинг кўпгина тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қарийб ярми ойнинг учинчи декадасида тайёрланмоқда. Демак, корхоналар дастлабки икки декаладa тўла нагрузка блан ишламайди, шундан кейин эса штурмчилик бошланиб кетади. Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети корхоналарнинг бир ме'ёрда ишламаслиги ҳеч йўл қўйиб бўлмайдиган шармандали бир ҳол деб ҳисоблайдилар. Саноатнинг ишидаги ана шу жиддий камчиликни жуда қисқа вақт ичида йўқотиш учун бутун кучларни сафарбар қилиш керак.

Бизнинг саноатимиз жуда катта резервларга эгадир. Ишлабчиқариш новаторларининг тажрибалари мавжуд техникадан яхши фойдаланиш, прогрессив технологияни жорий қилиш ва мукаммалроқ меҳнат методларини қўлланиш йўли блан қўшимча равишда кўп маҳсулот олиш мумкин эканлигини кўрсатади. Аммо саноатда ишлабчиқаришни мукаммал ташкил қилиш соҳасида зарур ташаббус кўрсатмаётган ходимлар ҳали оз эмас.

Саноатни ташкил қилишдаги камчиликлар корхона бешқармаси структурасида очиқ кўринади. Партия ва Ҳукумат раҳбарликнинг канцеляриячилик-бюрократик услубини кескин суратда йўқотишни, идора аппарати ходимларининг сонини қисқартиришни, бу аппаратнинг ишларини такомиллаштириш ва раҳбарликнинг сифатини яхшилашни талаб қилмоқдалар. Партиянинг бу кўрсатмалари ҳали етарли даражада амалга оширилаётгани йўқ. Ўрта даражадаги корхоналарда ва унча катта бўлмаган корхоналарда бошқарма структураси одатда, йирик заводларнинг бошқармалари структурасидан фарқ қилмайди дейиш мумкин. Масалан, Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлигига қарашли Харьков йўл машиналари заводида 273 ишчига 10 бўлим, 6 ишлабчиқариш цехи тўғри келади, завод бошқармасининг штатида эса 88 киши бор. Буни нормаль бир ҳол деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу нарса давлатга қанчалик қимматга тушажагини ва маҳсулотнинг қимматига қандай та'сир кўрсатажагини исбот қилиб ўлтиришнинг ҳожати йўқ. Завод бошқармаси структурасини яхшилаш, кераксиз звеноларни тугатиш, майда цех ва бўлимларни йириклаштириш лозим.

Сўнгра ўртоқ Булганин бундай дейди: икки ижтимоий система ўртасидаги иқтисодий мусобақада энг прогрессив система бўлган социалистик системанинг ғалаба қозонишига шак-шубҳа қилмаймиз. Аммо шу нарса ҳам ма'лумки, ғалаба ўз-ўзидан келмайди—ғалабани кишилар уюштиралилар ва вужудга келтирадилар. Иқтисодий мусобақада капитализмни енгмоқ учун биз илғор техникага эга бўлишимиз, ишлабчиқаришни яхши уюштиришимиз ва янада юксак меҳнат унумдорлигига эришувимиз зарур.

Бизда бутун-бутун коллективларнинг яхши иш намуналарини кўрсатадиган мисоллар кўп. Бундай коллективлар янги техникани жорий қилиш ва ишлабчиқаришни яхши ташкил қилиш йўлидан борib юқори меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар ва ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаган ҳолда унинг таннархини камайтирмоқдалар.

Бундай коллективлардан ба'зиларини кўрсатиб ўтаман. Магнитогорск металлургия комбинати, Донецк ҳавзасидаги «Западная Капитальная» шахтаси, Туймаз нефть кони бошқармаси, Уралмашзавод ва бошқа кўпгина корхоналарнинг коллективлари шундай коллективлар жумласиндир.

Бизда юксак меҳнат унумдорлиги намуналарини кўрсатаётган минг-минглаб саноат илғорлари, новаторлари бор. Масалан, «Запорожсталь» заводининг пўлат эриткичси Григорий Константинович Помятун, Донбассдаги Калинин номли шахта пармалаш бригадасининг бошлиқларидан Иван Васильевич Пилипенко ва Петр Азарович Гуляшов, «Татнефть» бирлашмасининг юқорида айтиб ўтилган пармалаш мастери Мугалим Минязович Гимазов, Киевдаги «Красний экскаватор» заводининг токари Виталий Куприянович Семинский, Москвадаги «Красний пролетарий» станокозслик заводининг токари Николай Михайлович Кузьмин ва бошқа кўп кишилар ана шундай илғорлар ва новаторлардандир.

Биз, фан ва ишлабчиқаришдаги илғор коллективлар ҳамда новаторларнинг тажрибаларини кенг ёйиб, социалистик мусобақага раҳбарликни юксак даражага кўтариб, маҳсулот ишлабчиқаришни бундан бўён ҳам тез сур'атлар блан кўпайтираоламиз, маҳсулотнинг сифатини яхшилаб, унинг таннархини камайтира оламиз, техникани тараққий этдириш ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш йўлидан тўхтовсиз олга бораоламиз. Бизнинг мамлакатимиз ана шу вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳамма нарсага эгадир.

Халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун, дейди ўртоқ Булганин, давлат йўли блан планлаштиришни яхшилаш талаб этилади. Шунга биноан, Марказий Комитет ва Ҳукумат давлат йўли блан планлаштиришни яхшилаш ва халқ хўжалигида янги техникани жорий қилишга қаратилган бирқанча тадбирларни амалга оширишга киришдилар. СССР Госпланини қайта тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. СССР халқ хўжалигини перспектив планлаштиришни тубдан яхшилаш вазифаси СССР Госпланини қайта тузиш учун асос қилиб олинди. Шу муносабат блан халқ хўжалиги тараққиётининг перспектив планларини тузишни жорий планлаштиришдан алоҳида тарзда олиб боришга қарор қилинди. Бунинг учун ҳозирги Госплан базасида халқ хўжалигини перспектив планлаштириш бўйича СССР Министрлар Советининг Давлат Комиссияси (СССР Госплани) ва халқ хўжалигини жорий планлаштириш бўйича СССР Министрлар Советининг Иқтисодий Комиссияси (СССР экономкомиссияси) тузилади.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Н. А. Булганин нутқининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Янги техникани жорий қилиш бўйича Давлат Комитетини вужудга келтириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Бу Комитет министрликларнинг шу соҳадаги ишларига йўл кўрсатади ва уларнинг ишларини мувофиқлаштириб олиб боради.

Бошқа тадбирлар ҳам тайёрланмоқда.

Ўртоқ Булганин ўз нутқининг охирида кенгаш қатнашчиларини ўзларининг асосий э'тиборини КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг фикрича айниқса муҳим деб ҳисобланган қуйидаги масалаларга қаратишга чақирди:

1. Илғор техника масалаларини тез ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини кескин суратда ошириш учун технологияни ва ишлабчиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш.

2. Мавжуд машина-асбоблардан ва ишлабчиқариш майдонларидан яхшироқ фойдаланиш.

3. Давлат интизомини мустаҳкамлаш ва бешинчи бешйилликнинг тугалловчи йили бўлган шу йилдаги давлат планининг ҳар бир корхона томонидан барча кўрсаткичлар бўйича тўла ва ошириб бажарилишига эришишни энг зарур вазифа деб қараш лозим.

4. Саноатда идора-бошқарма аппаратини қисқартириш ва арзонлаштириш.

Камчиликларни дадил танқид қилиш, — деди ўртоқ Булганин, — саноатда фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, ишлабчиқаришни ташкил қилиш соҳасидаги ишларнинг аҳволини яхши билиб олиб, жамоатчилигимизнинг э'тиборини ана шу масалаларга жалб этишда ҳамда мавжуд камчиликларни тезликда йўқотиш учун керакли йўл ва воситаларни белгилашда Марказий Комитет ва Ҳукуматга ёрдам беради.

Саноат ходимларининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан чақирилган Бутуниттифоқ кенгаши

16 майда Москвада, Катта Кремль саройида саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети томонидан чақирилган бу кенгашда корхоналарнинг, проектлаш ва конструктор лик ташкилотларининг раҳбарлари, ишлабчиқариш новаторлари, министрлар, партия, совет ва касаба союз ходимлари қатнашмоқда. Улар фан, техниканинг энг янги муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини жорий қилиш асосида социалистик саноатни янада юксалтириш тадбирларини муҳокама қилмоқ учун тўпландилар. Меҳмонлар орасида — Хитой Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси, Румния Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Германия Демократик Республикаси саноат ходимларининг вакиллари бор

Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, А. И. Кириченко, П. Н. Поспелов, М. А. Суслов ўртоқлар президиумга чиқишлари блан уларни кенгаш қатнашчилари давомли қарсаклар блан кутиб оладилар. Ҳамма ўрнидан туради.

Кенгашни СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **Н. А. Булганин** очади.

Украина СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ўртоқ **Сенинга** сўз берилади. У, социалистик саноатни ва, аввало, оғир индустрияни ривожлантиришга Украина меҳнаткашларининг қўшган ҳиссаси тўғрисида гапиради. Республикадаги бутун саноатнинг ялпи маҳсулоти 1950 йилдагига нисбатан 1954 йилда 70 процент кўпайди.

Ўртоқ Сенин мавжуд ишлабчиқариш майдонларида маҳсулот чиқаришни кўпайтирмоқ учун Украина саноат корхоналарининг катта имконияти борлиги тўғрисида гапиради.

«Кузбассуголь» комбинатининг бошлиғи ўртоқ **Кожевин** айтдики, гарчи комбинат кўмир чиқариш программасини бажараётган бўлса ҳам, аммо шахталардаги мавжуд резервлардан ҳали ҳам етарли даражада фойдаланилмаётир. Янги техника ва меҳнатнинг прогрессив методлари тузук жорий қилинмаётир, бунинг натижасида комбинатнинг кўпгина шахталари ва трестлари меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаётирлар.

Ўртоқ Кожевин СССР Кўмир саноати министрлигини, шунингдек кўмир саноати машинасозлигининг Давлат проектлаш — конструкторлик ва экспериментал институтини танқид қилиб, уларнинг янги техника яратиш масалалари блан тузук шуғулланмаётганликларини, илғорларнинг тажрибаларини яхшилаб умумлаштирмаётганликларини кўрсатиб ўтди. У, гидравлик ва очиқ усул блан кўмир чиқаришни жорий қилиш меҳнат унумдорлигини анча оширишга имкон беради ва кўмир чиқаришни кўпайтиради, деб айтди.

Сўнгра сўз Уралмаш заводининг новатори — темирчилар бригадасининг бошлиғи ўртоқ **Олейниковга** берилади. У, илғор технологияни жорий қилиш тажрибалари тўғрисида гапиради.

Уралмаш заводида ишлабчиқаришнинг механизациялаштирилганлиги ҳақида, — дейди ўртоқ Олейников, — кўп китоблар чиқди, кўп миқдорда чертёжлар чиқарилди. Лекин бу тадбирлар тузук ёйилмаётир. Масалан, Уралмаш заводида пўлат қуймаларни кўтариб оладиган мослама меҳнат унумдорлигини 15 баравар кўпайтиришга имкон берди. Министрликнинг бошқа заводларида бу мослама жорий қилингани йўқ. Уралмаш заводида темирчиларга чертёжлар бериш кўпдан бери одат қилинган, аммо бошқа корхоналарда темирчи фақат эскизгина олади, холос. Бу — темирчининг детальлар ясашни ижодий иш тариқасида уюштиришига халақит бераётган катта камчиликдир.

Нотиқ ўз сўзининг охирида илмий ходимларнинг новаторларга етарли ёрдам бермаётганликлари тўғрисида гапиради.

«Запорожсталь» металлургия заводи мартен цехининг бошлиғи ўртоқ **Лесков** янги техникани муваффақиятли жорий қилиш натижасида цех пўлат чиқаришни анча кўпайтиришга муваффақ бўлганлигини гапириб берди. Нотиқ пўлат ишлаб чиқаришда кислород ишлатишнинг самарали эканлигини айтиб ўтди. Яхлит асосли катта мартен печьларига эга бўладиган ва янгидан қурилаётган йирик металлургия заводларининг ҳаммасида қувватли кислород станцияларини дадиллик блан қуриш керак. Шундай қилгандагина арзон пўлат эритишни жуда кўпайтириш ва меҳнат унумини юксак даражада оширишга эришиш мумкин бўлади.

Минск трактор заводининг директори ўртоқ **Тарасов** ишлабчиқаришни ташкил қилиш ва планлаштириш масалаларига тўхталди. Бирхилдаги машиналар ва детальлар, — деди у, — бир вақтнинг ўзида бирнеча заводда ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, вкладишлар сингари детальларни битта заводда ишлаб чиқарадиган қилиш ускуналарни иш блан тўла та'минлаб ва илғор техникани жорий қилиб, ишлабчиқаришни яхши ташкил қилишга имкон берур эди. СССР Қора металлургия министрлиги ва СССР Рангли металлургия министрлиги бу масалани пухта ўйлаб ҳал қилишни истамаётирлар. Материалларни бир министрликдан иккинчи министрликка юборишдан ҳосил қилмоқда, бунинг натижасида давлатнинг катта-катта маблағлари ўринсиз сарф бўлмоқда.

Москвадаги силлиқлайдиган станоклар заводининг тезкор токари ўртоқ **Биков** сўзга чиқади. У айтдики, янги станокларни ишлабчиқариш базаларидан ажралган конструкторлик бюроларининг проектлаши сингари одат кенг ёйилди. Бу катта камчиликдир. Шундай қилиш керакки, ҳарбир стакчи конструктор янги машинани ясаётган вақтда завод блан боғланиб иш олиб борадиган бўлсин. Нотиқ ҳақиқатан ҳам гайратли олимлар ишлаётган завод лабораторияларининг техникани тараққий қилдиришда катта роли борлигини уқтириб ўтди.

Совет олимлари, — деди ўртоқ Биков,— металлни тезкорлик блан қирқишни биринчи марта назарий асослаб бердилар. Бу метод муваффақиятли равишда қўлланилмоқда. Ўз Ватанимизда ишлаб чиқарилган станокда ишлаб, яқинда янги жаҳон рекорди қўйишга муваффақ бўлдим — металлни қирқиш тезлигини минутига 3800 метрга етказдим.

Лекин мана шундай имкониятлар бўлгани ҳолда, бирқанча заводларда ишчилар меҳнат унумдорлигининг умумий ўсиши етарли эмас. Бунга сабаб шуки, илғорлар тажрибасини ёйиш йўлида сабот блан иш олиб бориш ўрнига, айрим рекордлар тўғрисида кўпинча шовқин-сурон кўтариш блан шуғулланилмоқда. Комплекс бригадаларни унутабошладиларки, бу нотўғридир. Бундай бригадалар меҳнат унумдорлигини ошириш учун кўп иш қилиб беришлари мумкин эди.

«Татнефть» бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ **Шмарев** сўзга чиқиб, нефть чиқаришнинг илғор технологиясини қўлланиш натижасида Татаристон нефтьчилари нефть чиқаришни анча кўпайтиришга ва унинг таннархини камайтиришга қандай қилиб эришганликларини гапириб берди. Совет олимлари ва инженерлари алоҳида кон-қудуқни ишлатишдан нефть қатламларини бошқаришга ўтиш блан нефть саноатини ривожлантиришда янгилик очдилар. Сув юбориш йўли блан нефть қатламларидаги нефтьни сиқиб чиқариш деб аталган методни қўлланишнинг самарали эканлигини қуйидаги мисол яққол кўрсатади. Ромашкинодаги нефть чиқадиган жойда нефть чиқаришни мана шундай метод блан ташкил қилинмоқда.

Кон-қудуқларни пармалаш тезлигини ошириш нефть чиқаришни кўпайтиришнинг катта резервидир. Броқ, пармаловчи бригадаларнинг ишлари кўпинча ёмон ташкил қилинмоқда. Кон-қудуқларни пармалайдиган иншоотларни индустриал метод блан қуриш катта аҳамиятга эга.

Виз, вишкани хар жойнинг ўзида бутунисича қуришдан воз кечдик. Даставвал, вишка қуриладиган махсус базада 100 — 120 тонна оғирлигидаги йирик блоклар вужудга келтирилади, сўнгра эса улар монтаж ва демонтаж қилинмай 10—12 янги скважина парма лаладиган жойларга бирин-кетин келтирилади.

Сўнгра ўртоқ Шмарев айтдики, саноатни планлаштиришнинг ҳозирги вақтдагидек ҳаддан ташқари марказлаштириб қўйилганлиги корхона раҳбарларининг ташаббусини бўғиб қўймоқда.

Ленинграддаги Сталин номли гидравлик турбиналар заводининг бош конструктори ўртоқ **Ковалев** ўз нутқини Ватанимиздаги гидротурбинасозликни янада тараққий қилдиришга бағишлади. Металл заводида проекти тузилган ва ясалган гидротурбиналар Совет Иттифоқидаги гидростанцияларнинг жуда кўпчилигида муваффақият блан ишлатилмоқда ва жуда яхши натижалар бермоқда. Завод коллективи Куйбишев гидроэлектростанцияси учун турбиналар қуришда мураккаб техника вазифаларини ҳал қилди. Ижодий иш олиб бориш натижасида заводдаги мавжуд майдонларда турбиналар чиқариш икки баравар кўпайтирилди. Эндиликда турбиналар, улардаги бутун иш процессини тўла равишда автоматлаштиришни ҳисобга олиб чиқарилмоқда.

Ўртоқ Ковалев гидротурбинасозлик соҳасидаги илмий-текшириш ва эксперимент ишларини энг кўп даражада ривожлантириш зарурлигини уқтириб ўтди, техника информациясини кенг ташкил этишни таклиф қилди.

Эрталабки мажлисда Глухов ип газлама комбинатининг йигиручиси ўртоқ **Ананьева** ва Урал химия машинасозлиги заводининг директори ўртоқ **Курганов** ҳам сўзга чиқдилар

Кенгаш ўз ишини давом этдирмоқда.

Европа давлатларининг Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан чақирилган кенгашида қатнашган СССР делегацияси

Варшавадан жўнаб кетди

ВАРШАВА, 15 май. (ТАСС). ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин бошчилигида Европа давлатларининг Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан чақирилган Варшава кенгашида қатнашган СССР делегацияси бугун Варшавадан Москвага жўнаб кетди. Делегация бошлиғи блан биргаликда СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков, Совет Иттифоқи маршали И. С. Конев, РСФСР Министрлар Совети раиси А. М. Пузанов, Украина ССР Министрлар Совети раиси Н. Т. Кальченко, Белоруссия ССР Министрлар Совети раиси К. Т. Мазуров, Латвия ССР Министрлар Совети раиси В. Т. Лацис, Литва ССР Министрлар Совети раиси М. А. Гедвилас, Эстония ССР Министрлар Совети раиси А. А. Мюрисеп ва СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин ҳам Москвага жўнаб кетдилар.

Варшавадаги Марказий аэродромда СССР делегациясини Польша бирлашган ишчи партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Б. Берут, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси А. Завадский, Министрлар советининг раиси Ю. Циранкевич, Польша маршали К. Рокоссовский, ПБИП Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари З. Новак, Э. Охаб, Я. Берман, Ф. Южвяк, Ф. Мазур, Р. Замбровский, С. Радкевич, ПБИП Марказий комитетининг секретарьлари В. Матвин, Е. Моравский, Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Т. Гедэ, С. Ендриховский, С. Лапот, ташқи ишлар министри С. Скшешевский ва бошқа расмий шахслар кузатиб қолдилар.

Делегацияни Хитой Халқ Республикасининг вакили, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари ва мудофаа министри Пин Дэ-хуай ҳам кузатиб қолди. У Варшава кенгашида кузатучи сифатида қатнашган эди.

Аэродромда СССРнинг Польшадаги элчиси П. К. Пономаренко, Варшавадаги бирқанча давлатлар элчихоналарининг бошлиқлари ва ходимлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Аэродром СССР ва Польша Халқ Республикаси давлат байроқлари блан безатилган эди. Кузатиб қолиш вақтида фахрий қоравул қўйилди ва Совет Иттифоқининг ҳамда Польша Халқ Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

Аэродромда СССР делегацияси бошлиғи ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин қуйидаги баёнотни қилди:

Н. А. Булганин баёноти

Ўртоқлар! Бизларни самимий кутиб олганлигингиз ва меҳмондўстлигингиз учун менга Польша пойтахтидан жўнаб кетаётган Совет Иттифоқи делегацияси номидан Польша Халқ Республикаси ҳукуматига чин қалбдан ташаккур изҳор қилишга рухсат этгайсиз. Биз Варшавада бўлган вақтимизда бу самимият ва меҳмондўстликни доимо сезиб турдик.

Варшава кенгашидаги дўстлик атмосфераси, ишимиздаги тўла ҳамжиҳатлик ва якдиллик шунга олиб келдики, қисқа муддатда жуда муҳим масалалар кўриб чиқилди ва ҳал этилди.

Европадаги саккиз давлат вакилларининг учрашуви натижасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақида Шартнома имзоланди, шунингдек бирлашган қуролли кучлар ва бирлашган қўмондонлик тузиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Халқаро вазиятда ўзгаришлар юз берганлиги ва янги уруш хавфи кучайганлиги сабабли бу тадбирларни кўриш зарур бўлиб қолди. Варшавада имзоланган Шартнома герман милитаризмининг тиклана ётганлигига бизнинг мамлакатларимизнинг жавобидир.

Варшава кенгаши эҳтимол тутилган агрессорга қарши тинчликсевар давлатларнинг бирлашган ҳаракатлари учун мустаҳкам асос яратиб берди. Шу блан бирга, Варшавада имзоланган Шартнома халқ демократияси мамлакатлари ўртасидаги мавжуд қардошлик дўстлигини янада мустаҳкамлаш учун ва улар ўртасида янада яқинроқ ва ҳартомонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун янги стимул бўлади.

Яшасин Польша Халқ Республикаси ва шонли поляк халқи!

Социализм ва демократия лагеридаги ҳамма мамлакатларнинг қардошлик дўстлиги ўссин ва мустаҳкамлансин!

* * *

Сўнгра ПБИП Марказий комитетининг биринчи секретари Болеслав Берут нутқ сўзлади.

Б. Берут нутқи

Биз саккиз давлат Варшава кенгашидан кейин Польша пойтахтидан жўнаб кетаётган совет дўстларимизни кузатиб қолганимизда, қардошлик хисларимизни уларга яна бир марта изҳор қилишни, яна бир марта қўлларини самимий қисиб кўришишни, кейинги тарихий кунларда биргаликда қилинган буюк иш учун қувонч ва фахрланиш хисларимиз блан яна бир марта ўртоқлашишни истар эдик.

Саккиз давлатнинг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш ҳақидаги шартномаси, Варшава кенгаши натижасида вужудга келган шартнома, — бу шартномада қатнашучи мамлакатларнинг бебаҳо ғалабасидир. Лекин бу шартноманинг халқаро аҳамияти бу блангина чекланмайди. Варшава кенгашида қабул қилинган қарорларни 600 миллионли Осиё давлати — Хитой Халқ Республикаси қаттиқ ва қат'ият блан қўллаб-қувватлади, тинчликка ташна бўлган ва агрессияни душман кўрган ҳамма халқлар қоявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб ва тушуниб кутиб олди.

Бу қарорлар, деди Б. Берут, биринчидан, ўз чегараларига, ўз суверенитетлари ва мустақилликларига қарши бўлиши эҳтимол тутилган ҳарқандай агрессия актларидан ўз хавфсизликларини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ҳамкорлик қилаётган дўстона давлатларнинг қудратли монолит кучини ифода қилади. Қабул қилинган қарорлар шу блан бирга мамлакатларнинг сиёсий системалари қандай бўлишидан қат'ий назар, уларнинг тотув яшашлари принципини э'тироф қилишга асосланган коллектив хавфсизлик идеясини, я'ни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи изчиллик ва қат'ият блан э'лон қилиб ва қувватлаб келаётган коллектив хавфсизлик идеясини янада кенг миқ'ёсда амалга ошириш йўлидан олга қараб босилган қадамдир.

Бу қарорлар, иккинчидан, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган ғоят катта хиссадир, чунки бу қарорлар агрессив сиёсат методларига, ҳарбий блоклар методларига ва «зўровонлик позицияси» сиёсатига тўқнинлик қилади ҳамда дўстона халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш соҳасида барча халқлар учун очиқ бўлган йўлни, иқтисодий, маданий ҳамкорлик, агар зарур бўлса, мудофаа ҳамкорлиги йўлини очиб беради.

Бу қарорлар, учинчидан, иттифоқ бўлиб бирлашган халқларнинг ҳарбир мамлакатнинг тинч қурилишини ва ижодий меҳнатини ташқаридан бўладиган ҳарбир ҳужумдан ҳимоя қилишга зарур ва етарли даражада гарантия қилишга қаттиқ ва якдиллик ва бел боғлаганликларини кўрсатади. Мудофаа кучларини биргаликда ташкил қилиш ва уларнинг бирлашган қўмондонлиги ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Ана шунинг учун, деб уқтириб ўтди Б. Берут, Варшава кенгашининг иши кенгашда қатнашган мамлакатлар учун ҳам, шунингдек умуман халқаро кескинликни юмшатиш ва бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳам ғоят катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Варшава кенгаши вақтида ҳам, шунингдек кенгаш якдиллик блан қабул қилган қарорларда ҳам совет делегацияси айниқса катта ижодий ва актив роль ўйнади. Совет делегацияси ялпи қуролсизланиш ва бу қуролсизланиш устидан эффектив контроль ўрнатиш масаласи юзасидан Варшава кенгашига Совет ҳукуматининг янги муҳим таклифларини олиб келди. Польша ва Варшава кенгашида қатнашган ҳамма мамлакатлар совет таклифларини тўла равишда ва қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Бизлардан ҳечким шубҳа қилмайдики, совет таклифларининг амалга оширилиши тинчликни чинакам та'минлаш ва мустаҳкамлашнинг ишончли воситаси бўлур эди, империалистик мамлакатлар авж олдириб юборган зўр бериб қуролланишни ташвишланиб кузатиб турган юз миллионларча кишиларга катта енгиллик келтирган бўлур эди.

Поляк халқи, деди Б. Берут, мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган муҳим ишни айниқса зўр э'тибор блан ва жуда қизиқиб кузатиб турди. Поляк халқи буни Варшава меҳнаткашларининг кечаги митингида ишонтирарли қилиб та'кидлади. Ўртоқ Булганин митингда сўзлаган, оптимизм руҳи блан тўлган, доно ва оташин нутқ халқ Польшасидаги барча меҳнаткаш кишиларнинг қалбидан чуқур жой олади.

Қадрдон дўстлар! Сизларнинг қўлларингизни самимий қисиб қоламиз ва кенгашда ижодий қатнашганлигингиз учун сизларга қизғин ташаккур изҳор қиламиз. Бу кенгаш тинчлик лагеридаги ҳамма мамлакатлар учун ва, айниқса, поляк халқи учун жуда муҳим, жуда катта аҳамиятга эгадир. Социалистик қурилишимизни кучайтираборib, биз буюк кучни сезиб турган ҳолда халқларимизни бирлаштирган самимий ва ижодий дўстликни сезиб турган ҳолда меҳнат қиламиз.

СССР делегацияси Варшавадан қайтиб келди

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин бошчилигидаги СССР делегацияси 15 майда Москвага қайтиб келди. Делегация Европа давлатларининг Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан чақирилган Варшава кенгашида қатнашди. (ТАСС).

СССР ҳукумат делегацияси Прагадан жўнаб кетди

ПРАГА, 15 май. (ТАСС). Совет Армияси Чехословакияни гитлерчи оккупациячилардан озод қилганига 10 йил тўлганлиги муносабати блан Чехословакияда бўлган Совет ҳукумат делегацияси бугун Прагадан Москвага жўнаб кетди.

Совет ҳукумат делегацияси бошлиғи СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи Ўринбосари, КПСС МК Президиумининг а'зоси Л. М. Каганович ва делегация а'золари: Украина ССР Олий Совети Президиуми Раиси Д. С. Коротченкони, Совет Иттифоқи маршали К. С. Москаленкони, Москва Совети ижроия комитети раиси М. Я. Ясновни, Ленинград область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. Г. Хахалинани Чехословакия Республикасининг президенти Антонин Запотоцкий, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Антонин Новотний, Миллат мажлиси раиси Зденек Фирлингер, бош министрнинг биринчи ўринбосари Яромир Доланский, бош министр ўринбосари Вацлав Копецкий, ЧКП МК Сиёсий бюросининг а'зоси, ички ишлар министри Рудольф Барак, Чехословакия Коммунистик партияси МК секретари Иржи Гендрих, министрлар, миллий фронт раҳбарлари, Чехословакия-Совет дўстлиги союзининг раиси академик Зденек Неедли, Прага приматори Адольф Свобода ва бошқа расмий шахслар кузатиб қолдилар.

Совет ҳукумат делегациясини СССРнинг Чехословакиядаги элчиси Н. П. Фирюбин, Хитой Халқ Республикаси, Польша, Венгрия ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари дипломатик элчихоналарининг бошлиқлари ва мас'ул ходимлари ҳам кузатиб қолдилар.

Совет Иттифоқи ва Чехословакия байроқлари блан безатилган аэродромда фахрий қоравул қўйилган эди, Совет Иттифоқи ва Чехословакия давлат гимнлари ижро этилди.

Совет ҳукумат делегациясининг жўнаб кетаётган а'золарига қарата республика президенти Антонин Запотоцкий табрик нутқи сўзлади.

А. Запотоцкий нутқи

Қадрдон ўртоқлар!

Чехословакия Коммунистик партиямиз раҳбарлигининг, миллий фронт ҳукуматининг топшириғига биноан, мен сизлар блан — халоскоримиз, иттифоқчимиз ва дўстимиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг делегатлари блан чех ва словак халқлари номидан хайрлашиб қолмоқдаман.

Сизлар бизнинг орамизда бирнеча кун бўлдингиз, лекин чех ва словак халқларининг СССР халқларига, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва Коммунистик партиясига қандай ботиннинг муҳаббат хислари блан қараётганлигини сезиш учун ана шу қисқа вақт ҳам кифоя бўлди. Бизнинг халқимиз СССР халқларини, Совет Иттифоқи ҳукуматини ва Коммунистик партиясини ўзининг халоскори деб, таҳқирли фашист асоратидан қутқазган халоскори деб билиши блан бирқаторда, бахтли истиқболни яратишда, ўз ватанининг мустақиллигини мудофаа қилишда ва бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилишда ўзининг энг яқин дўсти, энг содиқ иттифоқчиси, энг яхши маслаҳатчиси, устози ва ёрдамчиси деб ҳам билади.

Биз бугун сизлар блан хайрлашаётганимизда, сизлардан бутун совет халқига қизғин саломимизни, ташаккуримизни топширишингизни сўраймиз, совет халқининг озодлигимиз йўлида берган катта қурбонларини ҳечқачон унутмаймиз, ишонтириб айтган сўзларимизни билдиришингизни сўраймиз. Сизлар блан яқин дўстликда ва иттифоқда биз мамлакатимизда бахтли социалистик истиқболни қурамиз, деб ёд қилган қасамимизни билдирингиз.

Бизнинг Чехия тупроғидаги ва Словакиядаги ҳамма гражданларимиз ўз ватанини қуришга ва ҳарқандай шароитда ҳам тинчликни ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаганликларини жаҳонда ҳоким бўлиш пайига тушиб жинояткорона равишда янги уруш чиқармоқчи бўлаётган ва жаҳонни янги қонли даҳшатларга дучор қилмоқчи бўлаётган ҳар кимга зарба беришга қаттиқ бел боғлаганликларини сизлар ўзларингиз кўриб ишондингиз.

Биз шу блан бахтиёрмизки, сизлар бизнинг мамлакатимиз озод қилинганига 10 йил тўлганлиги шарафига бўлган тантаналарда қатнашиб турган кунларда Варшава кенгаши бўлиб ўтди, бу кенгаш тинчлик лагеримиздаги ҳамма мамлакатларнинг уруш олвини ёқучилар тузаётган планларни барбод қилаоладиган зарур чораларни кўришга якдиллик блан қарор бергандиларини та'кидлади. Бизнинг ишонтириб айтган қуйидаги сўзларимизни қабул қилгайсиз ва уларни ўз халқингизга, ҳукуматингизга ва Коммунистик партиянгизга тоширгайсиз: сиз бизнинг тантаналаримизда ва заводларни, шаҳарларни, қишлоқларни бориб кўрган вақтингизда неча-неча ўн ва юз минг кишилар оғзидан эшитганингиздек, чех ва словак халқлари Совет Иттифоқи блан қўлни-қўлга бериб абадий бирга боришга қат'ий қарор бергандирлар. Сизлар блан бузилмас Иттифоқда буюк Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатлари блан мустаҳкам бирликда ва дўстликда биз олга, истиқболга қувонч ва умид блан қарамоқдамиз.

Бизга келганлигингиз учун сизларга раҳмат.

Яшасин Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги!

* * *

Совет ҳукумат делегацияси бошлиғи Л. М. Каганович жавоб нутқи сўзлади.

Л. М. Каганович нутқи

Ҳурматли ўртоқ президент!

Қадирли ўртоқлар ва дўстлар, Чехословакия меҳнаткашлари!

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси Чехословакиядан жўнаб кетатуриб, делегацияни самимий меҳмондўстлик блан кутиб олганлигингиз учун сизларга чин қалбдан ташаккур изҳор қилади ва сизларга қизғин қардошлик саломлари топширади.

Биз Чехословакия фашистлар зулмидан озод қилинганига ўн йил тўлганлигини сизлар блан биргаликда байрам қилиб, оғир курашда қўлга киритилган озодлик ва мустақиллик мамлакатингиздаги барча меҳнаткашлар учун пақадар азиз эканлигига, бу курашда чехословак халқига совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли кучлари кўрсатган ёрдамга чехословак халқи нақадар юксак баҳо бераётганлигига янада кўпроқ ишондик.

Чехословакиянинг ва унинг шонли пойтахти Прага шаҳрининг немис-фашистлар оккупациясидан озод қилинганига ўн йил тўлганлиги байрам қилиниши Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас абадий дўстликнинг янги ёрқин намойиши бўлди, тинчлик, демократия ва социализм буюк лагерининг жипслашганлигини, кучини ва енгилмаслигини намойиш қилди.

Совет ҳукумат делегацияси ўзига Чехословакия Республикасининг саноат корхоналарини ва кооператив хўжаликларини, шаҳар ва қишлоқларини бориб кўриш имконияти берилганлиги учун Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва Ҳукуматига ташаккур изҳор қилади.

Биз ўзимиз бўлган ҳамма жойда ишчилар, меҳнаткаш деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция ўзининг шонли Коммунистик партияси ва жонажон Ҳукумати раҳбарлигида, Совет Иттифоқининг ва барча халқ демократияси мамлакатларининг қардошлик ёрдами блан қандай зўр ғайрат ва ижодий ихтирос блан янги, социалистик ҳаёт қураётганлигини, ўз севикли Ватани янада гўзал ва бой бўлиши учун курашаётганлигини кўрдик.

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Словакияни ва унинг ажойиб пойтахти Братислава шаҳрини бориб кўриши чех ва словак халқларининг қардошлик бирлиги нақадар мустаҳкам ва бузилмас эканлигига, бирлашган Чехословакия давлатда тенг ҳуқуқли Словакия қандай муҳим ўрин тутганлигига бизларни янада кўпроқ ишонтирди.

Чехословак халқи ўзининг эртаги кунига, нурли истиқболига зўр ишонч блан қарайди. У марксизм-ленинизм йўлидан шаҳдам қадам ташлаб олга, социализм тантанаси сари бормоқда.

Совет Ҳукумат делегацияси Чехословакияда бўлган вақтида чехословак халқининг тинчликка, халқлар дўстлигини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатишга бўлган интилиши нақадар катта ва самимий эканлигига янада кўпроқ ишонди. Биз Чехословак халқининг Европа давлатларининг тарихий Варшава кенгашини қизғин қўллаб-қувватлаганлигини ва Европада тинчлик, хавфсизлик ишини ҳимоя қилишга ҳамда ўз Ватанининг қудрати ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаттиқ қарор бергандигини кўрдик. Чехословак халқи шу блан бирга атом қуролини тақиқлаш, қурол-яроғларни ва қуролли кучларни камайтириш ҳамда янги уруш хавфини тугатиш масалалари юзасидан Совет Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси муҳокамасига тақдим этаётган таклифларини қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Совет Ҳукумат делегацияси ўз Ватанига қайтиб кетатуриб, Чехословакия Республикасининг барча меҳнаткашларига социализм қуришда, барча халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва дўстлиги учун курашда янги муваффақиятлар тилаб самимий истакларини билдиради.

Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас қардошлик дўстлиги кундан-кунга мустаҳкамлансин ва абадий яшасин!

Яшасин қаҳрамон чехословак халқи, унинг озод, мустақил республикаси, унинг шонли Коммунистик партияси ва Чехословакия Республикасининг халқ Ҳукумати!

Совет ҳукумат делегацияси Прагадан қайтиб келди

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари, КПСС МК Президиумининг а'зоси Л. М. Каганович бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси 15 майда Прагадан Москвага қайтиб келди. Делегация Чехословакия фашистлар оккупациясидан озод қилинганига ўн йил тўлганлиги байрамида қатнашди. (ТАСС).

Совет делегацияси Аргентинага келди

БУЭНОС-АЙРЕС, 14 май. (ТАСС). Буэнос-Айресдаги саноат виставкаси очилишида қатнашиш учун кеча совет делегацияси Буэнос-Айресга келди. Виставка шу йил 21 майда очилади. Делегацияга СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари М. Р. Кузьмин бошчилик қилмоқда. Делегация составида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси П. М. Жуковский, РСФСР ғўшт ва сут маҳсулотлари саноати министрининг ўринбосари В. В. Ануфриев, СССР Озиқ-овқат товарлари министрлиги бўлимининг бошлиғи С. И. Бровкин бор.

Аэродромда совет делегациясини Аргентина савдо министрининг ўринбосари Тибилетти, саноат министрининг ўринбосари Коломбес, СССРнинг Аргентинадаги элчиси Резанов, СССР савдо вакили Манжуло, Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, ташқи ишлар министрлигининг ва савдо министрлигининг мас'ул ходимлари, Аргентина савдо-саноат доираларининг вакиллари, СССР элчихонаси ва савдо ваколатхонасининг мас'ул ходимлари кутиб олдилар.

Тўрт давлат ташқи ишлар министрларинннг Австрия вакили блан бирликда Венадаги кенгаши

ВЕНА, 14 май. (ТАСС махсус муҳбири). Бугун Венада Австрия давлат шартномасини кўриб чиқиш ва имзолаш учун тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Австрия вакили ҳам қанташди.

Кенгашда Совет Иттифоқидан вакил бўлиб Ташқи ишлар министри В. М. Молотов, АҚШ дан вакил бўлиб — Давлат секретари Ж. Даллес, Англиядан вакил бўлиб—Ташқи ишлар министри Г. Макмиллан, Франциядан вакил бўлиб — Ташқи ишлар министри А. Пинэ, Австриядан вакил бўлиб—Ташқи ишлар министри Л. Фигль қатнашдилар.

СССР делегацияси составида — Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов ва СССРнинг Австриядаги элчиси И. И. Ильичев; АҚШ делегацияси составида—АҚШнинг Австриядаги элчиси Л. Томпсон, давлат секретарининг ёрдамчиси Л. Мерчэнт, давлат департаментининг кенгашчиси Д. Макартур; Англия делегациясининг составида — Англиянинг Австриядаги элчиси Д. Уоллингер, Англиянинг СССРдаги элчиси У. Хэйтер, Ташқи ишлар министри ўринбосарининг ёрдамчиси Г. Каччиа; Франция делегацияси составида — Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Р. Массигли, Франциянинг СССРдаги элчиси Л. Жокс, Франциянинг Австриядаги ишлар вакили Р. Лалуэтт бор.

Мажлисда В. М. Молотов раислиқ қилди. У, мажлисни тўрт давлат элчиларининг кенгашида тайёрланган шартнома текстига бўлиши мумкин бўлган мулоҳазаларни кўриб чиқишдан бошлашни таклиф қилди. Даллес, шунингдек Пинэ ва Макмиллан, элчиларнинг мазкур кенгашида тайёрланган шартнома текстини қабул қилишни таклиф этамиз, дедилар. Л. Фигль, Австрия ҳукумати преамбуланинг (кириш қисмининг) Австриянинг ўтган урушда қатнашганлиги тўғрисидаги масалага таллуқли учинчи абзацни шартнома текстидан чиқариб ташлашни илтимос қилар эди, деб айтди.

В. М. Молотов, Австрия делегациясининг бу таклифига бошқа делегациялар ҳам қўшиладиган бўлсалар, бу таклифга қарши эмас делегациясида э'тироз йўқ, деди.

Даллес, Пинэ ва Макмиллан бу таклифга қарши эмасликларини айтдилар.

Шартнома тексти устида бошқа мулоҳазалар бўлмаганлиги сабабли раислик қилуччи В. М. Молотов Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси блан Австрия Ҳукумат делегацияси ўртасида Москвада имзоланган ва мазмуни АҚШ, Англия ҳамда Франция ҳукуматларига ма'лум қилинган меморандумнинг дастлабки беш моддасини ўқиб берди. Шу моддаларда бундай дейилган;

«1. 1954 йилда Берлинда бўлган кенгашдаёқ Австрия томонидан ҳарбий иттифоқларга қўшилмаслик ва ўз территориясида ҳарбий базалар қурилишига йўл қўймаслик тўғрисида қилинган баёнот руҳида Австрия федерал ҳукумати, Швейцария риоя қилаётган бетарафлик шаклидаги бетарафликка Австрия ҳам муттасил риоя қилиб туриши ҳақида Австрия зиммасига халқаро мажбурият юклайдиган шаклда декларация э'лон қилади.

2. Австрия Федерал ҳукумати федерал конституциянинг қарорларига мувофиқ, Австрия давлат шартномаси ратификация қилинган ҳамоно мана шу Австрия Декларацияси бўйича қарорлар қабул қилиш учун уни Австрия парламентига тақдим этади.

3. Федерал ҳукумат Австрия парламенти томонидан тасдиқланган шу декларация халқаро миқ'ёсда э'тироф қилинмоғи учун лозим бўлган чораларнинг ҳаммасини кўради.

4. Австрия федерал ҳукумати тўрт буюк давлат томонидан Австрия давлат территориясининг бутунлигини ва дахлсизлигини та'минлайдиган гарантиялар берилишини табриклайди.

5. Австрия федерал ҳукумати тўрт буюк давлат томонидан бериладиган мана шундай гарантия тўғрисида баёнот э'лон қилинишини Франция, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари олдига қўяди».

В. М. Молотов, АҚШ, Франция ва Англия вакиллари Совет — Австрия меморандумининг мазкур беш моддасида Австрия ҳукумати томонидан баён қилиб ўтилган таклифларга қўшилурлар деб ишонч билдирди.

Даллес, АҚШ ҳукуматига шу меморандумнинг мазмуни ма'лум ва Австриянинг меморандумда кўрсатилган йўлдан боришига қарши АҚШ э'тироз билдирмайди, деб айтди.

Пинэ ва Макмиллан Австриянинг мазкур меморандумдаги декларация блан чиқмоқчи бўлганлигига қарши принципиал равишда э'тирозимиз йўқ, лекин Австрия томонидан э'лон қилинадиган шу декларациянинг формулировкасини билишни истар эдик, деб айтдилар.

В. М. Молотов, Австриянинг Швейцария намунасида муттасил бетарафлик йўлини тутиш ниятида эканлигига АҚШ, Франция ва Англия ташқи ишлар министрлари розилик билдирганликларини қайд қилиб ўтди. В. М. Молотов айтдики шу сабабли бетарафлик тўғрисида Австрия э'лон қиладиган декларация муносабати блан тўрт давлат ҳукуматларидан нималар талаб қилинишини белгилаб ўтиш ҳам яхши бўлур эди. В. М. Молотов тўрт давлат томонидан шу ҳақда э'лон қилинадиган баёнотнинг совет проектини ўқиб берди. Шу проектда бундай дейилади:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция ҳукуматларининг баёноти

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Корольлиги ва Франция Республикаси ҳукуматлари ушбу баёнотни э'лон қилиб айтадиларки, Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция бошқа давлатлар блан муносабатларида Швейцария қай тариқа бетарафлик йўлини тутаётган бўлса, Австрия ҳам тутаётган шу тариқа муттасил бетарафлик статусини ҳурматлайдилар ва унга риоя қиладилар».

Даллес, совет делегацияси тўрт давлат баёнотининг проектини таклиф қилганлигини фойдали деб ҳисоблайман, деди. У, Австрия парламенти ўз нуқтаи назарини айтгандан кейингина ўз фикрмни айтаман, деди. Броқ Даллес илова қилиб, Совет Иттифоқи делегацияси томонидан таклиф қилинган баёнот проектига қарши принцип э'тибори блан менда э'тироз йўқ, деди.

Пинэ ва Макмиллан ҳам шу мазмунда гапирдилар.

Шундан кейин Л. Фигль сўз олди. У, Австрия ҳукумати Москва битимига мувофиқ, бетарафлик тўғрисидаги декларацияни Австрия парламентининг муҳокамасига тақдим қилади, деди. У, шу декларациянинг дастлабки проектини тўрт давлатнинг мана шу кенгашдаги делегацияларига топширишга тайёр эканлигини ҳам билдирди.

В. М. Молотовнинг, Австрия ҳукуматининг делегацияси тўрт давлат баёноти проекти ҳақида ўз нуқтаи назарини айтмоқчи эмасми, деб берган саволига Фигль жавоб бериб, Австрия ҳукумати Совет Иттифоқи делегацияси томонидан тақдим этилган проектга тўла равишда розидир, деди.

Австрия ҳукумати делегацияси Австрия ҳукуматининг бетарафлик тўғрисидаги декларациясига доир дастлабки проектни кенгаш қатнашчиларига тақдим қилади, деб келишилди. В. М. Молотов совет делегацияси тўрт давлат баёнотининг ўзи таклиф қилган проектини ёмма равишда кенгаш қатнашчиларига тақдим қилади, деди.

Сўнгра кенгаш қатнашчилари Австрия давлат шартномасини имзолаш вақтида бўладиган процедурага таллуқли масалаларни муҳокама қилишга ўтдилар.

Австрия делегациясининг бошлиғи Л. Фигльнинг, Давлат шартномаси 15 майда эрталаб соат 11. 30 минутда Белведер саройида имзолансин, деган таклифи қабул қилинди.

Даллес, имзолаш вақтида ҳарқайси ташқи ишлар министрининг айтадиган гапи икки минутдан ошмасин деган таклиф киритди. В. М. Молотов совет делегацияси икки минут давом қиладиган гапни ҳам, икки минутдан ошиқ давом қиладиган гапни ҳам табриклаб кутиб олади, деди.

Пинэ ва Макмиллан Даллеснинг бу гапига ва В. М. Молотовнинг бу гапига ўзларининг рози эканликларини айтдилар.

Шу блан кенгаш ёпилди.

ЯНГИ ЗАЁМГА ЁЗИЛИШ ЗЎР МУВАФФАҚИЯТ БЛАН ЎТМОҚДА

Ҳаётимизнинг янада фаровонлиги учун

Янгийўл район Ленин номидаги колхозининг 2200 гектарлик кенг пахта даласида ғўзалар ямишил бўлиб гуркираб ўсиб етипти. Колхозчилар ғўза ораларида зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Янги Давлат заёми чиқарилганлиги ҳақидаги хабарни колхозчилар пахта далаларида кутиб олдилар. Колхозчилар саккизинчи бригада дала шийпонининг радиоприёмниги атрофига дарҳол йиғилдилар, янги заём чиқариш тўғрисидаги ҳукуматимизнинг қарорини кўтаринки руҳ блан эшитдилар. Ҳосилот советининг раиси Яминжон Рихсибоев йиғилганларга мурожаат қилиб бундай деди:

— Янги заём халқ манфаатлари йўлида чиқарилган. Давлат ҳар йили колхозларга катта ёрдам бермоқда. Биз давлатдан машиналар, минерал ўғит, нав'ли уруглар олмоқдамиз. Бунинг натижасида катта даромад олаётирмиз. Биз ўз жамғармамиздан давлатга қувона-қувона қарз берамиз. Бизнинг берган маблағларимиз совет халқининг турмушини янада фаровонроқ қилади, Ватанимиз куч-қувватини янада оширади.

Сўнгра звено бошлиғи Ойбуви Одилова сўз олади.

— Биз колхозчилар, — деди у, — заёмлар халқимиз турмушини янада бадавлат қилиш учун, маданиятимизни ривожлантириш учун сарфланишини жуда яхши биламиз. Бизнинг посёлкамиз йилдан-йилга обод бўлмоқда, янги уй-жойлар, мактаблар, чорвачилик бинолари қурилмоқда. Совет халқининг тинч меҳнати қандай самарали натижалар бераётганини бизнинг ҳарбиримиз ўз кўзимиз блан кўриб турибмиз. Янги заём социалистик ҳаётимизнинг янада фаровонроқ бўлишига ёрдам беради.

Колхознинг барча бригадаларида заёмга ёзилиш зўр уюшқоқлик блан ўтмоқда.

И. ЮРОВСКАЯ.

Яқдиллик блан ёзилмоқдалар

Қорасув район, Ўзгариш қишлоқ Советидаги Свердлов номли сабзавот колхозининг а'золари ҳукуматимизнинг янги заём чиқариш ҳақидаги қарорини баланд руҳ блан кутиб олдилар. Колхозчилар йиғилишида колхоз раиси Ўртоқ Исмоилов колхозчиларнинг фикрини ифода қилиб, бундай деди:

— Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли бадавлат ва маданий ҳаёт кечираётирмиз. Қишлоғимизга бир назар ташлайлик: янги ўнйиллик мактаблар, клуб, кутубхона, магазинлар, қизил чойхона, теплица-парник, радиоузел, касалхона, механизациялашган ферма ва бошқа қурилишлар колхоз қишлоғига ҳусн қўшиб турипти. Янги уй-жойларда неча юзлаб колхозчилар яшамоқдалар. Янги заём қишлоғимизнинг янада обод бўлишига ёрдам беради. Шунинг учун заёмга хурсандлик блан ёзиламиз.

Сўзга чиққан Сайфиев ва бошқа ўртоқлар ҳам янги заёмнинг халқ бахтсаодатига хизмат қилиши ҳақида, Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаши ҳақида гапирдилар.

Кечқурун колхозда янги заёмга ёзилиш уюшқоқлик блан бошланди. Кўпгина колхозчилар нақд пулга облигация сотиб олдилар.

Я. МОРДУХАЕВ.

Барча колхоз, совхозларда ягана ва ғўза парваришини тез ҳамда сифатли ўтказиш учун курашайлик!

☆

Ғўза парвариши намунали ўтказилмоқда

Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз а'золари бу йил пахтадан мўл ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилиб, чигитни ўз вақтида яхши ишланган ерларга экканликлари учун биртекис униб чиқди. Колхоз а'золари бу муваффақиятларини мустаҳкамлаш мақсадида барча куч ва резервларни ғўза парваришини тез, сифатли ўтказишга сафарбар этдилар. Улар 2-нчи МТС механизаторлари блан ҳамкорликда меҳнат қилиб, ғўза парваришидаги дастлабки ютуқларни қўлга киритаётирлар. Колхозда хизмат қилаётган коммунист Икром Иброҳимов бошлиқ трактор бригадаси ғўза қатор ораларини ишлашда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Механизаторлар культивацияни С. Қорахўжаев, Н. Юсупов бошлиқ бригада ерларида бошладилар. Чунки бу бригада а'золари колхозда биринчилар қаторида чигитни ёпасига ундириб олиб, ғўза қатор ораларини ишлашни барвақт бошлаб юборган эдилар.

Ўртоқ Эргаш Дониёров квадрат-уяларда чинбарг чиқариб турган ғўзаларни узунасига ишлашни колхозда биринчи бўлиб бошлади. У дастлабки кунларда 6— 7 гектар ердаги ғўзаларни культивация қилган бўлса, ҳозир иш унумини анча оширишга муваффақ бўлди. Шунингдек механизаторлардан ўртоқ Р. Нишонбоев қаторораларни 45 сантиметр бўлган ғўзаларни ҳам узунасига, ҳам кўндалангига ишлаб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Қолган механизаторлар эса торайтириб экилган қаторлардаги ғўзаларни культивация қилмоқдалар.

Ҳозир С. Қорахўжаев бошлиқ бригаданинг 100 гектар ердаги ғўзаси культивациядан чиқарилди. Шундан 80 гектари квадрат-уялаб экилган карталардир.

Колхозда хизмат қилаётган механизаторлар мавсумда 1100—1200 гектардан ердаги ғўзани культивация қилиб бериш мажбуриятини олдилар. Улар социалистик мажбуриятни шараф блан бажариш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар.

И. АХМЕТОВ.

Илғор бригада даласида

Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг ўртоқ Абдурахмон Маманов бошлиқ 10-нчи бригадаси колхознинг энг катта ва серҳосилли бригадаларидан биридир.

Бригада а'золари бу йил 87 гектар майдонга янги, прогрессив усулда торазторлаб чигит экдилар. Ҳозир ҳамма майдонда чигит биртекис униб чиқиб, ёш ғўзалар яхши ривожланмоқда.

Шу кунларда бригада а'золари дала ишларини социалистик мусобақа асосида авж олдириб, ғўза парваришини оммавий равишда бошлаб юбордилар. Социалистик мусобақа асосида ишлаш жуда яхши натижа бермоқда. Бригада а'золари кунига графикда белгиланган 3 гектар ўрнига 4 — 4,5 гектар майдондаги ғўзани кетман чопиғидан чиқармоқдалар.

Қ. Норқулов, М. Мамарасулов, Ш. Аҳмедова ва М. Ҳасанова ўртоқлар кунига 0,10—0,12 гектар майдондаги ғўзани чопиқдан чиқариб, кунлик нормаларини 1,5 ҳиссадан адо этмоқдалар. Бригада а'золари биринчи парваришни 15 майгача тугаллаш учун журашмоқдалар.

Т. РУЗИБОЕВ.



Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг илғор бригадаларида чигитни тез ундириб олиш учун курашилмоқда. Шу мақсадда чигит униши кечикаётган айрим пайкалларга чигит суви берилмоқда. Суратда: (чапдан, ўнгга) комсомол а'зоси **У. Миралиева** ва **К. Жонбеков** ўртоқлар қаторларга чигит суви қўймоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

☆

Ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлашни кучайтириб юборайлик

Бу йил Пискент районидаги илғор колхозларда пахта майдонларининг кўпгинаҳисмига чигит 60×45 ва 60×60 схемасига мослаб торқаторлаб экилди. Колхозлар ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлашнинг бутун афзалликларига тўла ишонганлари ҳолда барча майдонларда ғўза қатор ораларини фақат узунасигатина эмас, балки кўндалангига ҳам ишлашга қарор қилдилар. Броқ, бу ҳолда тажрибанинг етарли эмаслиги туфайли катта майдонларда ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлаш усулини жорий қилишга ҳалақит бериши мумкин эди.

Пискент район партия комитети бу ҳолни э'тиборга олиб, яқинда Сталин номли колхозда барча колхозларнинг раҳбарлари, бригада, звено бошлиқлари, тажрибакорлар, шунингдек МТС агрономлари, бригада механизаторларининг йиғилишини ўтказди. Йиғилиш қатнашчилари ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлаш намуналарини кўрдилар, бу соҳадаги тажрибалар блан танишиб, ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлаш усулини барча колхозларда жорий қилиш тадбирларини батафсил муҳокама қилдилар.

Сталин номли колхознинг далаларида ораси 45 сантиметрли қаторларга экилган чигитлар биртекис униб чиққан. МТСнинг илғор универсалчиси ўртоқ Абдували Ўрозов тракторни даланинг кўндалангига юритиб машина блан ягана қилиб кетмоқда. Бир группа колхозчилар уялардаги ғўза тупларини кетма-кет ростлаб, букетлаб бормоқдалар. Натижада уялар даланинг узунасига ҳам, кўндалангига ҳам тўғри чизиқ бўйлаб жойлашиб, яшил квадратлар ҳосил бўлмоқда.

Давлат агрономи ўртоқ Мирзаев бу ишнинг асосий йўлларини сўзлаб берди.

— Биз, — дейди ўртоқ Мирзаев, — ҳозирча ғўза қатор ораларини узунасига ишламаймиз. Балки ғўзани кейиндан квадрат-уялаб ўстиришни кўзда тутиб, чигит қаторлаб экилган ерларда ягана қилиш йўли блан, квадрат-уялаб экилган ерларда уяларни тўғрилаб олиш учун фақат қаторларнинг кўндалангига қараб ишлаётирмиз. Фақат чигит сийрак унган ерлардагина, шунда ҳам агрономнинг рухсати блан ғўза қатор ораларини узунасига ишлаётир. Дастлабки икки кун ичида агрегат блан 100 гектардан кўпроқ ердаги ғўза-қатор оралари кўндалангига ишланди. Универсалчи Абдували Ўрозов кунига 10—11 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқда. Одатда биринчи ва иккинчи культивацияда трактор биринчи тезликда юритилиши керак. Аммо Ўрозов тракторни иккинчи тезликда юритиб, ишнинг сифатини та'мин этиш блан бир вақтда меҳнат унумини ҳам оширмоқда.

Кўндаланг қаторнинг тўғри бўлиши учун тракторнинг далага киргандаги биринчи йўлини нишонлаб оламиз. Бунда чигитни квадрат-уялаб экиш тажрибаси катта ёрдам бермоқда. Биринчи йўлнинг тўғри нишонланганлигини текшириш учун худди чигит экиндагига ўхшатиб контроль режа тортамиз. Ма'лумки заводлар НКУ трактори детальлар комплектига яганалашда ишлатиладиган кўрсаткичлар (указательлар)ни ҳам қўшиб юборади. Кўрсаткичлар яганалаш вақтида культиватор олдинги секцияси грядилларининг квадрат валига ўрнатилиб, улар қаторларни маркерлаб кетиши керак. Броқ бу кўрсаткичлар фойдаланиш учун унча қулай эмас. Жумладан тракторчи бир вақтнинг ўзида олга кўз ташлаб бориши блан бирга культиваторнинг икки томонига ҳам қараб бориши лозим. Бу, уни шошириб қўяди, натижада қаторлар эгри-бугри бўлиб қолади. МТС механизаторлари культиватор кўрсаткичини ўзлари ясаган сода маркер блан алмаштирдилар. Бу эса кўндаланг қаторларнинг тўғри бўлишини та'мин этмоқда, меҳнат унуми ошмоқда.

Яганалашда культиватор пичоқларидан фойдаланмоқдамиз. 45X45 схемаси учун культиваторга 12 та пичоқ ўрнатаётирмиз. Пичоқлар шундай ўрнатилмоқдаки, натижада қатор оралари 30 сантиметр кенгликда ишланиб, ғўза туплари томонида 15 сантиметрдан ишлов зонаси қолмоқда.

МТС директори ўртоқ П. Копатуннинг ташаббуси блан махсус шаблон (андаза) ишланиб чиқилди. Шаблоннинг икки томонига қизил ранг блан белги қилинган. Демак бир томон 60 сантиметрли, иккинчи томон 45 сантиметрли қатор ораларни кўрсатади. Шаблон ёрдами блан культиватор иш органлари тегишли қатор ораларга тезда тўғрилаб ўрнатилади.

— Партия ва ҳукуматимизнинг, — дейди сўзида давом этиб ўртоқ Мирзаев, — планлаштириш тартибини ўзгартириш тўғрисидаги қарорини амалга ошириб, биз ҳарбир картанинг ҳусусиятини ва шароитини ҳисобга олган ҳолда ғўзанинг парвариш қилишда агротехника тадбирларини ишлаб чиқдик. Бу тадбирларни амалга оширсак, ғўзанинг тўғри парвариш қилиш та'мин этилади.

Биз бу йил ғўзаларимизнинг 4—5 марта культивация қиламиз. Суғориш ва бошқа тадбирларни қатор ораларини ишлаш блан тўғри боғлаб олиб борамиз.

Биз ғўза қатор ораларида дастлабки кўндаланг ишлаш тугалланган далаларда дарҳол узунасига ишлашга ҳам киришамиз. Колхозчиларнинг умумий мажлиси қарорига биноан бизда бу йил кетман жуда кам ишлатилади. Чунки далаларимиз бегона ўтдан тоза бўлади, қатор оралари эса иккитомонлама ишланади.

—«XIX партс'езд» колхозининг раиси ўртоқ Мусаев — дейди сўзида давом этиб агроном, — чигит 75 процент унган жойларда кўндаланг ишлашимизни кўриб ҳайрон бўлмоқда. Бу ерда ҳайрон бўладиган нарса йўқ. Ҳозир шундай пайтки, бугун унмаган чигит, эрта униб чиқади. Шунинг учун чигитни 100 процент униб чиқишини кутиб, қимматли вақтни бекорга ўтказмаймиз. Агар чигит униш кучини йўқотган бўлса унинг ўрнига дарҳол кўчат ўтказамиз ёки уруг экамиз.

Ўртоқ Мирзаев сўзини тамомлайди. Шундан кейин йиғилиш қатнашчилари, шаблон блан культиватор иш органларини ўрнатиш, маркерни ишлатиш, тракторни бошқариш тартиблари блан танишдилар.

Йиғилиш ўзининг яхши натижаларини берабошлади. Иккинчи кундайоқ деярли барча колхозларда ғўза қатор ораларини кўндалангига ишлаш бошланиб кетди. Киров номли колхозда ишлаётган универсалчи ўртоқ Беликов биринчи куниёқ 10 гектар ерни культивация қилди. Бошқа кўпгина агрегатлар ҳам унумли ишламоқдалар.

Пискент район колхозларининг тажрибасидан бошқа колхоз ва совхозларда ҳам кенг фойдаланиш керак.

К. КОНОВАЛОВ,
Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг старший инженери.

АГРОНОМ МАСЛАХАТИ

Кўплаб резовор мевалар етиштирайлик

Областимиз қишлоқ хўжалигида узумчилик, мевачилик, шу жумладан субтропик мевачилик блан бир қаторда резоворчилик ҳам анча кўзга кўринарлик ўринни ишғол қилади. Бизда резовор мевалардан энг кўп тарқалгани қулупнай (земляника-ертути)дир.

Қулупнай кўчатлари ўтказилгач иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради ва тоз муддат ичида қулупнайзорлар барпо этиш учун қилинган ҳаражатнинг ўрни тўлиб кетади. Шу блан бирга хўжаликка анча даромад ҳам келади.

Ўтган йили кузда бўлиб ўтган совуқлар натижасида, областимиз колхоз ва совхозларининг мевабоғлари анча зарарланди. Мевачилигимизда энг катта солмоққа эга бўлган олмазорларимизда кўпчилик дарахтларни, шунингдек ўрик, гилоснинг айрим нав'ларини совуқ урди. Бу дарахтларни тиклаш, ҳосил жиҳатидан аслига қайтариш учун бирмунча вақт ўтади. Айни ҳолда колхоз ва совхозларимизда резоворчиликни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Чунки резовор ўсимликлар эрта ҳосилга кириши блан аҳолини мева блан та'минлаш балансини тезда тўғрилаб олишга анча ёрдам беради.

Ўз вақтида, сифатли парвариш қилинган қулупнайзорларнинг ҳар гектаридан 6—8 тонна ҳосил олиш мумкин бўлади. Бунинг учун қулупнайзорларда деярлик йил бўйи иш олиб бориш керак. Мавжуд қулупнайзорлар баҳорда ўсабошлаб то гуллашига қадар қаторлари икки марта қўл (теша) блан юмшатилади, қатор оралари икки-уч марта ишланади. Агар қулупнайзор кузда фосфор блан ўғитланмаган бўлса, бу ўғит ўсиш, гуллаш даврида солинади. Бунда ҳар гектар ерга 120 килограмм азот ва 90 килограмм фосфор ҳисобидан суперфосфат ва селитра ҳам солинади. Агар қулупнайзорга кузда суперфосфат солинган бўлса қулупнай пишиш олдидан фақат азотли ўғит блан озиқлантирилади. Ердаги намнинг даражасига қараб бу даврда қулупнайзор 2—3 марта суғорилади.

Қулупнайзор меваси пишаётган даврда тез-тез — 4—5 кун оралатиб суғорилади. Бундан бир галги суғоришда сув маҳаллий ўғит солинган ўра орқали ўтказилиб эгатларга таралади.

Июнь ойида, қулупнай ҳосили тугагач, ўсимликдаги гажаклар (кўчат навдалар) териб олинади. Яхши гажаклар кўчат қилиниб, бошқа ерларга ўтказилади, яроқсиз гажаклар териб олиниб, даладан чиқазиб ташланади. Шундан кейин қаторлар ва қатор оралари юмшатилади ва ўғит солинади. Бу даврда ҳар гектар ерга 2 центнердан аммиак селитра ва 3 центнердан суперфосфат сарфланади. Бундан ташқари, кузда қатор оралари охирги марта ишланганида, яна 4 центнердан суперфосфат солинади. Шундагина келгуси йилда қулупнайзорда мўл ҳосил етиштириш мумкин.

Ўғитларнинг та'сирини ошириш учун уларнинг ҳар центнерига 4—5 центнер чиринди ёки 10 центнергача бошқа хил маҳаллий ўғит қўшиш керак.

Бу йил барпо этиладиган яқин қулупнайзорларда келгуси йилнинг ўзидаёқ мўл ҳосил олишни та'минлаш учун қулупнай кўчатларини июль ойида ўтказиш керак. Агар бу вақтдан кечикилса, келаси йили ҳосил мўл бўлмайди.

Қулупнайзор учун текис, бегона ўтлардан тоза ва сув блан мўл-кўл та'мин этиладиган ерларни ажратиш керак. Кўчат ўтказишга ерни сифатли қилиб тайёрлаш зарур. Бунинг учун ер 25—30 сантиметр чуқурликда ҳайдалиши ва албатта бороланиши, шунингдек ҳайдаш олдидан тупроқнинг унумдорлигига қараб ҳархил миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар солиниши керак. Агар хўжаликда етарли миқдорда чиринди бўлмаса, ҳар гектар ерга 10 тоннагача бошқа хил маҳаллий ўғит блан биргаликда 8—10 центнер суперфосфат, 3 центнер селитра солиш керак.

Ер тайёрланиб, кўчат ўтказиш бошланиши олдидан эгатлар очилади. Эгатлар тайёр бўлиши блан сув қўйилиб, ер яхши захлатилади. Шундан кейин кўчатлар ўтказилади. Кўчатлар ҳарбир қаторга канон режа тортилиб тўғри ўтказилиши керак.

Қатор оралари 80 сантиметр, туп оралари 25 сантиметр бўлганида ҳар гектар ерга 50 минг туп кўчат ўтказилади. Кўчат илдизлари яйраб турадиган (5—6 сантиметрли) чуқурчаларга ўтказилади. Чуқурча қилиш учун кўчат ўтказаучилар қўлида махсус қозиқча бўлади. Ҳарбир чуқурчага бир туплан кўчат ўтказилади. Кўчатнинг уримаслиги учун уни кечқурун ва эрталабки салқин пайтларда ўтказиш лозим. Ўтказилган кўчатнинг илдиз бўғизи ер сатҳи блан бир чизиқда бўлиб туриши керак. Агар илдиз бўғизи тупроқ остида қолиб кетса кўчат тутмайди. Шунингдек агар илдиз бўғизи ер бетига чиқиб қолса илдиз ялонғочланиб қолиб қурийди.

Қулубнай кўчати ўтказилгандан кейин дарҳол эгатларга кичик оқим блан сув қўйилади. Шундан кейин 2—3 кунда оралатиб то 10 кунгача суғориш такрорланади. Кўчатлар тутиб кетгандан кейин қулупнайзор 7—10 кун оралатиб то 15—20 сентябрьгача суғориб турилади. Ўтказилган кўчатлар 10 кунлар чамасида янги барг чиқазабошлайди. Бу, кўчатнинг тутганлигини билдирадиган аломатдир.

Агар бирмунча катта, 2—5 гектар майдонларга қулупнайзор қилинадиган бўлса кўчатларни квадрат ёки тўғри бурчакли шаклда ўтказиш ма'қул. Квадрат-уялаб жойлаштиришда 70x70 схемасини қабул қилиш керак. Бунда ҳарбир уяга икки туплан кўчат ўтказилса ҳар гектар ерга 47—48 минг туп ўсимлик жойлаштирилади. Қулупнай квадрат усулда ўстирилганда қатор ораларини икки томонлама ишлаш, ўғитлаш мумкин бўлади. Шу блан бирга от культиваторлари ўрнига трактор культиваторларидан фойдаланиб, меҳнат унуми оширилади.

Кўчатлар ўтказилгандан кейин, 10—15 кун ўтгач уларнинг тутган ёки тутмаганлиги текширилади. Агар айрим кўчатлар тутмай қолган бўлса уларнинг ўрнига қўшимча кўчат ўтказиш керак.

Кўчатлар илдиз қўйиб бақувват бўлиб олгандан кейин то кузгача қаторлаги туплар ораси кетман блан чопилиб, қатор оралари культивацияланиб доим юмшоқ бўлиб туриши лозим. Бунинг учун ҳарбир суғоришдан кейин қатор оралари ишланиши лозим.

Кузда қулупнай ўсимлигини қора совуқдан сақлаш учун унинг усти ёпилиши керак. Бунинг учун ҳар гектар ерга 40 тонна маҳаллий ўғит ёки похол сарфланади.

Қулупнайнинг ба'зи нав'ларининг гуллари бир-уйли (оналик гул) бўлиб, уларни чанглаш учун бошқа нав' қулупнайлар бўлиши талаб этилади. Масалан, Поздняя Леопальдегал, Ташкентская, Комсомолька нав'лар гули бируйли бўлиб, қулупнайзорка улар блан бир қаторда Кульвер, Цицилия, Кримская каби гули иккиуйли чангловчи нав'ларни ҳам ўтказиш керак. Бунда 8—12 қаторга бируйли нав'лар ўтказилса, 8—12 қаторга 2 уйли чангловчи нав'лар ўтказилади.

Турли нав' қулупнайлар эрта ёки кеч пишишига қараб кўчат бўладиган гажакларни ҳам ҳархил муддатда чиқаради. Шунга қараб эрта пишар қулупнайлар кўчатини эрта, ўртапишар қулупнайлар кўчатини ўрта ва кечпишар қулупнайлар кўчатини эса кеч муддатларда ўтказиш керак. Масалан, эрта муддатда Рошчина, ўрта муддатда Виктория, Цицилия, Кримская, кеч муддатларда Поздняя Леопальдегал нав'лари ўтказилади.

Ҳарбир хўжаликда ҳам қулупнай пишиқчилик даврини чўзиш учун ҳархил муддатда пишадиган қулупнайларни етиштириш дурust бўлади.

Қулупнайнинг жуда кўп нав'лари бор. Лекин областимиз колхоз, совхозларида қуйидаги нав'ларни етиштириш тавсия этилади.

1. Рошчинская нав' — эртапишар, мазалик, ширин, ҳосили ўртача — ҳар гектар ерда 7—8 тонна ҳосил етишади,

2. Кульвер — ўртапишар, мазаси яхши, серҳосил, ҳар гектарда 8—10 тонна ҳосил етишади.

3. Цицилия — энг серҳосил қулупнай нав'и бўлиб, унинг ҳар гектаридан 10—12 тонна ҳосил олиш мумкин. Мазаси ўртача.

4. Кримская — ўртапишар, ҳар гектар ерда 7—8 тонна ҳосил беради, меваси йирик, ширин.

5. Узбекистанская ва Памяти Шрейдера, жуда мазалик ва ширин нав' қулупнайдир.

6. Поздняя Леопальдегал — серҳосил, ҳар гектарда 10—12 тонна ҳосил етишади. Бу нав' блан бирга Кульвер, Цицилия каби чангловчи нав'лар ҳам ўтказилиши керак.

7. Ташкентская — энг серҳосил қулупнай нав'ларидан бўлиб, ҳар гектар майдонда 15—18 тонна ҳосил олиш мумкин. Меваси йирик, мазалик. Бу ҳам ўзи блан бирга чангловчи нав'ларни ўтказишни талаб этади.

С. ЯГУДИНА,
Шрейдер номидаги мева-резоворчилик институтининг илмий ходими.

Суратда: «Спартак» стадионида умумшаҳар Ашула байрами. Чапда: Меҳнат резервлари бошқармаси бадиий ҳаваскорларининг ансамбли «Ёшлар байрами» рақс сюитасини ижро этмоқда. Ўртада ва ўнгда: умумшаҳар Ашула байрамида бирлашган хор совет композиторларининг қўшиқларини айтмоқда. СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий** дирижёрлик қилмоқда.

И. Глауберзон ва. В. Сироткин фотолари.

Халқ талантларининг ижодий кўриги

Бу йил 15 май—дам олиш куни республикамизда, шу жумладан областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида Ашула байрами ўтказилди. Турли касбдаги, турли ёшдаги хушчақчақ кишилар ашула айтмоқдалар, ўйинчилар қувноқ рақсларни ижро этмоқдалар, музикачилар ёқимли куйларни янгратмоқдалар. Ҳамма ерда Ашула байрами қатнашчилари томонидан ижро этилган она-Ватан, бахтли ҳаёт ҳақидаги ашулалар баралла янграмоқда.

Бекобод металлургари, Фарҳод ГЭС энергетиклари, Оҳангарон шаҳтёрлари, Чирчиқ машинасозлари, Мирзачўл пахтакорлари ўзларининг сан'ат маҳоратларини кенг омма олдида намойиш қилиб, қувноқ қўшиқларни айтмоқдалар.

Ашула байрами куни Тошкент кўчалари, кўркам парклари, яшил хиёбонлари байрам тусини олди. Пойтахт корхоналари, ўқув юртлари ва бошқа турли муассасаларнинг бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари «Спартак» стадионига тўпландилар. Стадион байрамлардагидек яхши безатилган. Атрофда улуғ доҳиларимиз — Маркс, Энгельс, Ленин ва Сталининг барельефдан ишланган катта сурати, қардош иттифоқчи республикаларнинг герблари ва байроқлари, «Жаҳонга тинчлик» деган сўзлар ёзилган алвонлар ва бошқа транспарантлар кўзга ташланади. Стадионнинг яшил, кенг майдонида Ашула байрами қатнашчилари учун махсус жой ажратилган. Стадион шаҳар меҳнаткашлари, ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари билан лиқ тўлган. Хитой Халқ Республикасидан келган азиз меҳмонлар — ХХР Юстиция министри Ши Лин бошчилигидаги хитой юристлари ўтиришилар. Ҳамма традицион Ашула байрамининг бошланишини кутмоқда.

Соат 6. Ашула байрамини ўтказучи шаҳар комиссиясининг раиси, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ўрток М. Турсунов қисқача нутқ сўзлаб, традицион Ашула байрамини очиқ деб э'лон қилди.

Традицион Ашула байрами бошланади. Майдон ўртасидаги минбарга СССР халқ артисти, Сталин мукофотининг лауреати Мухтор Ашрафий кўтарилади. Ашрафий дирижёрлиги остида, стадионнинг шимолий трибунаси бўйлаб саф тортиб турган байрам қатнашчилари — бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг кўпминг кишилик қатнашчилари композитор В. Мураделининг «Доно партиямиз шуҳратини куйлаймиз» ашудасини ижро этадилар. Стадион бўйлаб халқ талантларининг қудратли овози янграйди.

Тошкент шаҳар бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг бирлашган хори ўзбек совет композиторларининг «Партия ҳақида», «Москва жонажон», «Ўзбекистон» ва рус халқ қўшиғи «Тезоқар дар'ёга қандай бораман» ашулаларини зўр маҳорат блан ижро этадилар. Бу ашулаларни ижро этишда бирлашган хор коллективларига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Шамсиддинов ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, профессор М. Н. Семёнов дирижёрлик қиладилар.

Стадион ўртасидаги майдонга И. В. Сталин ва Островский номли пионерлар саройлари. 43, 75, 88, 110, 47, 50 ва 49-нчи мактабларнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараклари коллективлари чиқадилар. Улар «Мактабда байрам» деган вокал—рақс сюитасини ижро этадилар.

«Моҳир ёшлар қўшиғи» ашуласини бирнеча юз кишилик меҳнат резервларининг бирлашган хори зўр маҳорат блан айтади.

«Ташканцультпром» артели бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиси М. Исобоев композитор М. Ашрафийнинг «Бўрон» операсидан Бўрон ариясини муваффақиятли ижро этиб тамошабинлар ҳурматига сазовор бўлди. Шунингдек Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг рақс коллективи «Колхоз» рақсини муваффақиятли ижро этди.

Саҳнага 20-нчи болалар уйи ва 90-нчи мактабнинг ўқучилари тўпланадилар. Мактаб ўқучиларидан тузилган бу бирлашган хор коллективи Озарбайжон композитори Ҳусейновнинг «Жўжаларим» қўшиғини зўр маҳорат блан ижро этади. Тамошабинлар ёш талантларни қизғин табриклайдилар.

Тўқимачилар Маданият саройи бадиий ҳаваскорлик тўгараги коллективларининг қатнашчилари «Ўзбекистон она ўлка» деган байрам композициясини муваффақиятли ижро этиб, ўзларининг яхши ижрочи эканликларини намойиш қиладилар.

Диктор Тошкент область, Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгараги коллективи томонидан «Нўл бўлсин» ашуласининг рақс блан ижро этилишини э'лон қилади. Колхозчи ҳаваскорлар ашула ва рақс ижро этиш маҳоратларини ошираётганликларини, қишлоқ ҳаваскорлари ўртасида талантли сан'аткорлар етишиб чиқаётганлигини намойиш қиладилар. Свердлов номли колхоз ҳаваскорлари ҳар йили Тошкентда ўтказиладиган Ашула байрамига биринчи марта қатнашдилар. Уларнинг ўз талантларини оширишларига, янги репертуарларни муваффақиятли кўрсатишларига ҳамма имкониятлар яратилган. Бу тўгаракда Ҳ. Тошматова каби моҳир раққоса ва ашулачилар етишганлиги қувончли воқиадир.

Область Маданият уйи бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчиси Р. Эшонхўжаева ва К. Жалилова ёқимли, нафис овозга эга, улар ижро этган «Диёрим» ва «Пахта тер» қўшиғи тамошабинлар томонидан гулдурос қарсаклар блан қарши олинди. Шунингдек, Низомий номли педагогика институтининг студенти Ёқуббоев замонавий темада ёзилган халқ ҳазил қўшиғи «Почтальон қўшиғи»ни зўр маҳорат блан ижро этиб, тамошабинлар ҳурматига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ССРда ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист Али Ардобус раҳбарлигидаги Темирйўлчилар Маданият саройининг рақс коллективи хорезмча «Лазги» рақсини, Дементьев раҳбарлигидаги қишлоқ хўжалиги институти хор коллективи «Гўзал Москва» ашуласини ва З. Кочетов раҳбарлигидаги тўқимачилик институти хор коллективи «Барча пойтахтлар пойтахти» қўшиғини яхши ижро этдилар. Бу ҳаваскорлик коллективлари хор маданиятини муваффақиятли ривожлантираётганликларини намойиш қилдилар. Бу коллективлар томонидан ижро этилган хор ашулалари хор маданиятини ривожлантириш учун бадиий ҳаваскорлик тўгараклари катта имкониятлар борлигини кўрсатади.

Тамошабинлар Тошкент область, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхози бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг қатнашчиларини қизғин кутиб оладилар. Тўгарак қатнашчилари «Ёшлик қўшиғи»ни ва «Шоликорликда» рақсини зўр маҳорат блан ижро этадилар. Пак Эн Дин ва Эн Сан Дин раҳбар бўлган бу тўгарак қатнашчилари ўз маҳоратларини йилдан-йил ошириб келмоқдалар ва ҳар йилги Ашула байрамида қатнашиб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Ўрта Осиё Давлат университетининг студенткаси Қодирова ҳинд фильмлари «Байжу Бавра»дан Гоури ва «Дайди» фильмидан Рита қўшиғини ҳинд тилида зўр маҳорат блан ижро этиб, тамошабинларнинг қизғин олқишига сазовор бўлди. Ўзбекистон металлургия заводининг ишчиси Жўравой Фаёзов композитор А. Новиковнинг «Россия» қўшиғини муваффақиятли ижро этди. Фаёзовнинг ёқимли, нафис овозидан қўшиқ сан'атини муваффақиятли эгаллаганлиги ёркин билиниб турипти.

Тошкент область, Октябрь районидаги Каганович номли колхоз бадиий ҳаваскорлик тўгараги талантли сан'аткорларга эга. Бу колхозда моҳир раққосалар, хушовоз ашулачилар, уста музикачилар бор. Колхоз ҳаваскорлик тўгарагининг коллективи ҳар йилгидек бу йил ҳам Ашула байрамига яхши программа тайёрлаган. Зиёева раҳбар бўлган бу тўгарак қатнашчилари дала шийпонидаги дам олиш вокал—рақс композициясини тамошабинларга зўр муваффақият блан кўрсатдилар.

Майдонга янги-янги ижодий коллективлар чиқади. Стадион бўйлаб буюк мамлакатимизнинг турли халқлари тилларида қўшиқлар янграйди, турли рақслар ижро этилади. Янги музика асарлари ижро этилади. Ашулачилар, ўйинчилар, музикачилар Ашула байрамига махсус тайёрлаган репертуарларини омма олдида намойиш қилиб, ўз маҳоратларидан ижодий ҳисоб бердилар. Диктор «Биз тинчлик учун» деган вокал рақс сюитаси ижро этилишини э'лон қилади. Темирйўлчилар Маданият саройи, Сталин номли пионерлар саройи, Меҳнат резервлари, Москва райони, Низомий номидаги педагогика институти ва медицина ходимлари бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг коллективи жаҳон халқларининг тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай кураш олиб бораётганликларини ифодаловчи ашулаларни, рақсларни, оммавий хорларни зўр маҳорат блан ижро этадилар. Тамошабинлар қардошлик ва дўстлик темасидаги бирнеча бўлимдан иборат бўлган бу сюитани завқ блан тамоша қиладилар ва унинг ижрочиларини қизғин табриклайдилар.

«Спартак» стадионида, шунингдек областимизнинг шаҳар, қишлоқларида ўтказилган Ашула байрами халқимиз орасидан моҳир сан'аткорлар, талантли музикачилар ва уста ўйинчилар кўплаб етишаётганлигининг ёркин намойишига айланди. Халқ талантлари ўз маҳоратларини тобора ошириб, янги-янги репертуарларни тамошабинларга кўрсатмоқдалар. Хор коллективлари, кўпминг кишилик ҳаваскорлар ўз сан'атларини омма олдида намойиш қилиш блан бирга, партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрликлари туфайли сан'ат ва адабиётимизнинг гуллаб-яшнаётганини, халқимиз орасидан моҳир сан'аткорлар етишиб чиқаётганлигини намойиш қилдилар. Ашула байрами — халқ талантларининг ижодий байрамига, сан'ат ва адабиётимизнинг тантанасига айланди.

Хитой Халқ Республикаси юристлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлишига доир

Хитой Халқ Республикаси юристларининг делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Делегация СССР Юстиция Министрлигининг ва Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган эди.

ХХР Юстиция министри Ши Лян бошчилигидаги делегация Ўзбекистон пойтахтига келган биринчи кунда Тошкент шаҳрини тамоша қилди. Делегация совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари фашистлар Германияси устидан ғалаба қилганига ўн йил тўлганлиги муносабати блан бўлган тантанали мажлисда ҳам қатнашди.

Делегация а'золарини Ўзбекистон ССР Юстиция министри М. Шералиев қабул қилди. Хитой юристлари республика Юстиция министрлигининг иш тажрибасини ўргандилар. Юстиция министрлиги Тошкент область бошқармасининг иш мисолида халқ судларига раҳбарлик қилиш иши қандай амалга ошираётганлиги меҳмонларга кўрсатиб берилди. Делегация а'золари Тошкент шаҳар, Ленин районидаги учинчи участка халқ судининг сайёра суд қилиш процессида ва Ўзбекистон пойтахтининг Марказий районида халқ маслаҳатчилари машғулотларида ҳозир бўлдилар. Улар Калинин район халқ судида, шунингдек Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида бўлдилар. Бу колхозда халқ судьяси Р. С. Сулаймоновнинг ўз сайловчилари олдида ҳисобати бўлди.

Колхоз раиси А. Матқобулов колхознинг ривожланиш тарихи ҳақида, жамоат хўжалиги экономикасининг мустаҳкамланганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Колхознинг 24 миллион сўмни ташкил қилган катта даромади, ишлабчиқаришда ва пахтакорлар турмушида электр қуввати кенг ишлатилаётганлиги меҳмонларни ҳайратда қолдирди. Хитой юристлари артель хўжалигининг ўсиш перспективалари, колхозчиларнинг даромадлари, маданий муассасаларга маблағ чиқарилиши блан қизиқдилар.

Азиз меҳмонлар шарафига Ўзбекистон ССР Олий Судининг раиси У. Иброҳимов ҳам қабул маросими уюштирди. Хитой юристлари биринчи ва иккинчи инстанцияларда жиноий—граждан ишларини кўриш бўйича Олий Судининг практикаси блан муфассал танишдилар. Делегация а'золари республика прокурори Н. С. Яцковский томонидан ҳам қабул қилинди. Улар республика прокуратураси барча бўлимларининг иши блан қизиқдилар.

Делегация а'золари Тошкент юридик институтида ўқув ишининг қўйилиши блан бирнеча кун танишдилар. Улар кафедра мудирлари, профессорлар, студентлар блан суҳбат қилдилар. Лекцияларда бўлдилар. Ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда юрист кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ишларга меҳмонлар юксак баҳо бердилар.

Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатида меҳмонлар ишлабчиқаришнинг технология процесси блан, тўқуучиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларнинг ўқиши, ўз малакаларини ошириши блан қизиқдилар.

Хитой Халқ Республикаси юристлари делегациясининг а'золари Чехословакия немис-фашист оккупациясидан озод қилинган кунинг ўн йиллигига бағишланган тантанали кечада қатнашдилар. 14 майда меҳмонлар Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозига бордилар. Улар буерда ГЭС, намунали болалар боқчаси, клуб, телефон станцияси ва радиоузелни тамоша қилдилар, бадиий ҳаваскорларнинг концертида қатнашдилар.

Хитой юристлари Тошкент театрларида «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара» постановкаларини кўрдилар. (ЎзТАГ).

Чехословакия халқи Варшава кенгашининг қарорини якдиллик блан табрикламоқда

ПРАГА, 15 май. (ТАСС). Чехословак халқи Варшава кенгашининг Европа халқларининг шу жумладан Чехословакия Республикаси халқларининг тинчлигини ва хавфсизлигини та'минлашга қаратилган қарорларини зўр қувонч блан кутиб олди. Варшава кенгашининг якунлари Чехословакия матбуоти ва радиосининг диққат марказида турибди.

Чехословак халқи, деб уқтириб ўтади «Руде Право» газетаси, тинчликсевар мамлакатлар фронтида мустаҳкам турганлиги блан фахрланади. Бу фронт—социализм лагеридаги халқлар учун, бизнинг халқимиз ва бутун инсоният учун озодлик, прогресс ва тинчликнинг енгилмас таянчилир. «Тузилган шартнома ҳарбир агрессив уринишни қайтаришга тайёр турган, Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлашга, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлашга тайёр турган тинчликсевар давлатларнинг умумий куч-ғайрати учун мустаҳкам асос бўлсин учун Чехословакия ишчилар синфи, бутун халқимиз, Чехословакия армияси ҳамма нарсани қиладилар».

Варшава кенгашининг якунлари ҳақида Руминияда баён қилинган фикрлар

БУХАРЕСТ, 15 май. (ТАСС). Европа давлатларининг Европада тинчлик ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан чақирилган ва эндигина тамом бўлган Варшава кенгаши Руминия матбуотининг диққат марказида турибди.

Румин халқи, деб ёзади «Скинтейя» газетаси, Варшава шартномасини табриклamоқда ва чин қалбдан қўллаб-қувватламоқда. Варшава шартномаси румин халқининг истиқболга, хавфсизликка, Европада ва бутун дун'ёда тинчлик ишининг тантанасига бўлган ишончини оширади. Румин халқи ўз делегациясининг Варшава шартномасига чеккан имзосини ватаннинг гуллаб-яшнаши учун, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун, халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг тантанаси учун курашда янги қаҳрамонлик ишлари блан мустаҳкамлайди.

СССР ВА ЮГОСЛАВИЯ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШАЖАГИ ҲАҚИДА ЮГОСЛАВИЯ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

БЕЛГРАД, 14 май. (ТАСС). «Борба» газетаси 1955 йил май ойининг охирида Белградда СССР ва Югославия вакилларининг энг юксак даражада учрашуви бўлажаги тўғрисидаги аҳборотни бошмақола ўрнида босиб чиқарди.

«Югославия ва Совет Иттифоқи ҳукуматлари вакилларининг май ойи охирларида Белградда энг юксак даражада бўладиган учрашуви, — деб ёзади «Борба» газетаси, — муҳим халқаро воқиа бўлади. Бу воқиа даставвал ҳозирги вақтда халқаро аҳволнинг ижобий ривожланиб бораётганлиги натижасидир. Ҳечқандай шубҳа йўқки, бу воқиа халқаро кескинликни янада юмшатишга ва тенг ҳуқуқлилик асосидаги ҳамкорликни, я'ни давлатлар ўртасида тинчликсеварлик руҳидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Бу — актив халқаро тотувлик сиёсатининг янги анча катта бир ифодасидир.

Белград учрашуви халқаро проблемалар ҳақида фикр алмашиш ва СССР блан Югославия ўртасидаги мавжуд очиқ давлатлараро масалаларни ҳал этиш имкониятини беради, шу блан Югославия-Совет муносабатларини янада яхшилашга ҳам, ер юзидаги кескинликни янада юмшатишга ҳам ёрдам беради».

«Политика» газетаси СССР ва Югославия ҳукуматлари вакилларининг бўлажак учрашувига тўхталиб, бундай деб ёзади:

«Совет Иттифоқи блан Югославия ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш процесси ҳукумат делегацияларининг учрашуви ҳақидаги қарордан кейин янги импульс олади. Энг юксак даражада олиб бориладиган музокаралар шуни исботлаб беражакки, ҳар иккала томон мамлакатларимиз ўртасидаги нормал ва дўстона муносабатларни ривожлантириш йўлида турган жанжалли масалаларни радикал равишда ҳал этишга киришишни истайди.

Биз ишонамизки, май ойида Белградда бўладиган учрашув, деб давом этади газета, шундай натижаларга эга бўладики, бу натижалар Совет Иттифоқи блан Югославия ўртасидаги муносабатларда давомли ишонч ва ҳамкорлик ўрнатилишига ёрдам беради».

Франция қаршилик кўрсатиш ҳаракати собиқ қатнашчилари, миллат мажлиси депутатлари ва сенаторларнинг Совет Иттифоқига борган делегацияси раҳбарининг баёноти

ПАРИЖ, 14 май. (ТАСС). Қаршилик кўрсатиш ҳаракати собиқ қатнашчилари, миллат мажлиси депутатлари ва сенаторларнинг Совет Иттифоқи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари — собиқ партизанларидан бир группасининг таклифига биноан СССРга борган делегацияси а'золаридан бир қисми Парижга қайтиб келди. Делегация бошлиғи, Франция Министрлар совети раисининг собиқ ўринбосари Франсиск Гэ Орли аэродромида баёнот берди. Бу баёнотда, жумладан, бундай дейилади:

«Мен ишонаманки, менинг 15 сафардошим французларнинг Совет Россиясидан доимо миннатдор эканликларини айтиш блан бахтиёрдирлар. Биз Совет Россиясининг 1945 йилда эришилган ғалабани та'минлаш учун ғоят катта ҳарбий куч-ғайрат сарфлаганлигини ҳечқачон унутмаймиз.

Биз маршал Булганин бизнинг элчимиз Жюкс блан узоқ вақт суҳбат қилгандан кейин эртаси куни ва Венада Австрия блан давлат шартномаси имзолайдиган тўрт давлат ташқи ишлар министрлари кенгаши арафасида Москвада бўлганлигимиздан хурсандмиз.

Биз ишонамизки, бизнинг Москвада бўлган учрашувларимиз музокаралар учун қулай вазият яратишга ёрдам беради. Биз зиммаларига катта мас'улият юклатилган давлат арбоблари коллектив ҳавфсизлик системаси барпо этиш тўғрисида бир фикрга келишларини, шу блан бутун дун'ёда тинчликни та'минлашнинг бирдан-бир воситаси бўлган изчил ва контроль қилиб туриладиган қуролсизланиш учун йўл очиб беришларини астойдил истаймиз».

ГАРРИ ПОЛЛИТ СЎЗИ

ЛОНДОН, 14 май. (ТАСС). Буюк Британия Компартиясининг бош секретари Гарри Поллит Саутуоркда (Лондон) ўтказилган сайловолди митингида нутқ сўзлаб, бундай деди: «Германияни қуроллантириш сиёсати, водород бомбаси стратегияси ва агрессив Шимолий атлантик шартномаси — буларнинг ҳаммаси тинчлик сиёсати бўлмай, балки уруш сиёсатидир».

Компартия, деди Поллит, қуйидаги талабларни илгари суради: водород бомбаси ишлаб чиқариш ўрнига атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳамда барча қуролярогларни камайтириш тўғрисида халқаро битим тузиш; Ғарбий Германияни қуроллантириш ўрнига Европада коллектив хавфсизлик пактини тузиш ва бирлашган демократик Германияни вужудга келтириш; Хитой Халқ Республикасига унинг БМТдаги ўрнини бериш ва Тайваньни Хитой Халқ Республикасига қайтариб бериш; Америка қўшинларини Англиядан олиб чиқиб кетиш.

ВЬЕТНАМ ГАЗЕТАСИ ХАЙФОННИНГ ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ПЕКИН, 14 май. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Ханойдан билдиради:

Вьетнамда чиқадиган «Няндан» газетаси редакцион мақоласида ёзади: Хайфон — Хон-Гай районининг озод қилинганлиги Ҳинди-Хитойда тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида эришилган яна бир ғалабадир.

Газета бу район саноат ва савдо марказларининг бири бўлганлиги сабабли, Вьетнам Демократик Республикасининг миллий экономикасини тиклаш ҳамда ривожлантиришда мазкур районнинг муҳим эканлигини та'кидлайди.

Газета Вьетнам халқини Жанвада Вьетнам тўғрисида тузилган битимларнинг ҳамма қоидаларини тўла бажариш учун жипслашиб кураш олиб боришга чақиради.

СОВЕТ ОЛИМЛАРИГА БЕРЛИНДАГИ НЕМИС ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ КОРРЕСПОНДЕНТ А'ЗОЛАРИ ҚИЛИБ САЙЛАНГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Берлиндаги Немис Фанлар академияси отоқли совет олимлари А. Н. Несмеянов, И. П. Бардин, А. В. Топчиев, В. В. Виноградов ва Б. А. Введенскийларни ўзининг корреспондент а'золари қилиб сайлади. 13 майда Германия Демократик Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили К. Зейц қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Немис Фанлар Академиясининг президенти профессор В. Фридрих совет олимларига уларнинг Немис Фанлар академиясининг корреспондент а'золари қилиб сайланганликлари тўғрисида дипломларни топширди.

Қабул маросимида совет фанининг вакиллари, Германия Демократик Республикасининг олимлари, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг мас'ул ходимлари ва совет матбуоти вакиллари ҳозир бўлдилар.

СССР, АҚШ, АНГЛИЯ ВА ФРАНЦИЯ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИНИНГ ВЕНАДА УЧРАШУВИ

ВЕНА, 15 май. (ТАСС). 14 май кечқурун Венада СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, АҚШ давлат секретари Ж. Даллес, Англия ташқи ишлар министри Г. Макмиллан, Франция ташқи ишлар министри А. Пинэ учрашдилар. Министрлар шу учрашувдан кейин қуйидаги аҳборотни э'лон этишга қарор қилдилар:

СССР, АҚШ, Англия ва Франция ташқи ишлар министрларининг суҳбати вақтида СССР, АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг мақсадлари ва методлари масаласи устида бамаслаҳат умумий бир фикрга келинди. Бу масаланинг детальлари ҳали ҳам муҳокама қилинмоқда.

МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН БАЙРУТДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

БАЙРУТ, 14 май. (ТАСС). Чет эллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг Байрутдаги бўлимида Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг 200 йиллиги муносабати блан қабул маросими ўтказилди.

Қабул маросимида Ливан олий ўқув юртларининг ўқитучилари, маориф министрлигининг, ташқи ишлар министрлигининг вакиллари, илмий, маданий ташкилотларнинг, жамоат ва спорт ташкилотларининг раҳбарлари, ёзучилар, олимлар, дипломатия корпусининг а'золари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида СССРнинг Ливандаги вакили Беляев бошчилигида совет дипломатия миссиясининг а'золари ҳам ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлган кишилар Москва давлат университетининг 200 йиллигига бағишланган фотовиставка блан танишдилар. Ливан миллий университетининг ректори Бустаний ва Ливан шоири Никола Файяз нутқ сўзладилар.

Шундан кейин «Маданият саройи» номли совет ҳужжатли фильми кўрсатилди. Бу фильм катта муваффақият қозонди.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз ўзгариб турса ҳам ёнингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 30—35 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/V да **Қутлуғ қон**, 18/V да **Отелло**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—18/V да **Боқчасарой фонтани**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/V да **Муқимий**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр) — 17/V кеч соат 9 да **ТуркВО ашула ва рақс ансамблининг концерти**.

«РОДИНА» — кеч соат 10 да **Бой келин**.

НАВОИЙ номли (қишки) — эрталаб соат 10 ва кеч 10 да **Бой келин**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6 гача янги бадиий фильм **Улар зулмат ичидан чиқиб келадилар**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Ханжар**, кечқурун **Жонажон мамлакатимиз бўйлаб**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР БИНОСИДА

17 майда

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати

ТАМАРАХОНИМ КОНЦЕРТИ

Программада: СССР ва четэл халқларининг ашула ва рақслари.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИГА

Янги Қибрай водопроводида ишлаш учун: мустақил балансга **старший бухгалтер, ҳисобчи-кассир, техник-диспетчер, химик, лаборант, газосварка ишлари мастери, прораб, слесарь, электромонтёрлар ва насос станцияларининг машинистлари**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Ленинград кўчаси, 28-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Газета ва журналларга

1955 йилнинг 2-нчи ярми учун

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИНАБОШЛАНДИ

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни».

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум»,
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Пионер»,
«Фан ҳақида сухбатлар»,
«Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари».

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари, бўлимлари ва агентликларида, шунингдек почтальонлар, ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика ва заводлар, МТС, колхоз ва совхозлардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

Шота Руставели кўчаси, 2-нчи совхоз проезди, 13-нчи уйда туручи Шариф Отбосаровнинг Вилоят кўча, Октепа проезд, 8-нчи уйда туручи Мунира Турсуновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Сталин район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими —132. Хатлар бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими—38142

Р. 04844. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № — 1435.